

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВ МУЗАФФАР МУХАММАДСОЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЎРНИ
(Наманган вилояти мисолида)**

5A140901 Касб таълими (Молия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
_____ **проф. Н.Хайдаров**

«Молия» кафедра мудири:
_____ **доц. А.Юлдашев**

Наманган – 2011

Мундарижа

Кириш.....	3
I БОБ. Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимида молиявий ресурсларни ўрни ва моҳияти, вазифалари	
1.1. Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми.....	9
1.2. Соғлиқни сақлаш тизимини маблағларни шаклланиши, уларни тавсифидан, фойдаланиш тартиби ва тамойинллари.....	16
1.3. Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштиришни ўзига хослиги.....	22
II БОБ. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларда харажатларни режалаштириш	
2.1. Иш ҳақини режалаштириш.....	36
2.2. Соғлиқни сақлаш тизимида озиқ-овқат ва дори-дармон харажатларини режалаштириш.....	46
2.3. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника ва бошқа харажатларини режалаштириш.....	47
III .БОБ. Соғлиқни сақлаш тизимида нобюджет фондлардан молиялаштириш ва такомиллаштириш масаласи.	
3.1. Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлили.....	56
3.2. Тиббиёт муассасаларини хусусийлаштирилишининг ўзига хослиги ва молиявий таъминоти.....	60
3.3. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи.....	71
Хулоса.....	75
Фойдаланилган адабиётлар.....	80

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республика аҳолисининг турмуш даражаси юксалиши, уни юқори даражадаги маданиятли хизматлар билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ечилиши лозим бўлган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардаи биридир.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ичида соғлиқни сақлаш тизими давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки аҳоли саломатлиги ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг асосидир. Ижтимоий тараққиётнинг бош мезони ва омили ҳам инсон, пировард мақсади ҳам инсон. Зиддиятли масалаларни ҳал қилиш доимо мушкул. Ижтимоий соҳани, биринчи галда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари, айниқса, қийин кечади. Сўнгги 20 йил ичида мазкур муаммо кўплаб давлатлар учун энг долзарб масаладир. Бир томондан, халқ саломатлиги билан боғлиқ вазиятни жиддий равишда марказлаштирилган давлат назоратига олиш, иккинчи томонидан, ислоҳот жараёниларида кенг омманинг иштирокини таъминлаш зарур.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, тиббиётни ислоҳоти, янги тиббиёт хизматини ҳуқуқий таъминлаш кабиларига катта аҳамият берилган.

Молиялаштиришнинг ҳар хил шаклларининг ривожланиши, уларнинг омиллари, самарадорлиги ва тиббиёт муассасалари фаолиятига таъсири масалалари илмий жиҳатидан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда бу соҳаларни тўла молиялаштириш барча мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қатори бизнииг Республикамиз давлат бюджети олдида ҳам қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ушбу мавзу доирасидаги диссертациянинг тадқиқоти соғлиқни сақлаш соҳасида ўз-ўзини молиялаштиришни амалга ошириш орқали давлат бюджетидан қилинадиган харажатларни оптималлаштириш (мутаносиблаштириш)га қаратилган.

Юқоридаги ҳолатлар диссертация мавзусини ва унинг мақсад йўналишини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармони (10 ноябрь 1998 йил 2107) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2013 йилларда ислоҳ қилишнинг давлат дастури тасдиқланди. Ана шу кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам диссертация мавзуси ўта долзарблигини асоси ҳисобланади.

Диссертация ишининг мақсади. Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнини илмий таҳлил қилиш, уларда мулк шаклини ўзгариши, бозор муносабатлари талаблари асосида янги хўжалик тизимини яратилиши натижасидаги ўзгаришлар ва молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларни тадқиқ қилишдан иборат.

Диссертация ишининг мақсадига эришиш учун кўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- соғлиқни сақлашни соҳасида иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- тиббиёт муассасаларида хусусийлаштириш жараёнларини ўзига хос томонларини очиқ бериш;
- соғлиқни сақлашни соҳаларидаги иқтисодий ислохотлари самарадорлигини аниқлаш;
- соғлиқни сақлашни соҳаларини молиялаштириш жараёни ва ундаги янги йўналишларни асослаш;
- тиббиёт муассасаларини молиявий ҳисоботни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш;
- соғлиқни сақлашни соҳаларини молиявий барқарорлигини таъминлашда аудит тизимининг аҳамиятини очиқ бериш;

- Ўзбекистон Республикаси «Соғлиқни сақлаш давлат дастури»ни амалга ошириш жараёни ва ундаги ютуқ камчиликларининг таҳлили.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг турли соҳаларда янги хизмат турларини жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш тадбиркорлигини турли шакллари ривожлантириш муаммолари энг кам ўрганилган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Хизматлар бозори муаммолари чет эл олимлар Вольфганг Хойер, Джексон Грейсон, М.Вудкок, Д.Фрэнсис ва бошқалар томонидан тадбиқ қилинган ва ўз мамлакатлари шароитига мос хулосалар қилинган.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотлари йўналишларини шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳаларини айрим илмий масалалари академик М.Шарифхўжаев, иқтисод фанлари докторлари И.Т.Абдукаримов, Д.Қудбиев, Е.Абдуллаев, Э.Акрамов, А.Солиев томонларидан ўрганилган ва илмий хулосалар қилинган.

Республикаимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши шароитида соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш масалалари Республикаимиз олимларидан иқтисод фанлари докторлари Ж.Зайналов, А.Ахмедов ва М.Хакимовлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Аммо, Ўзбекистон Республикасида тиббиёт соҳаларида хусусийлаштириш жараёни унинг иқтисодий натижалари таҳлили бозор муносабатларини ушбу соҳага кириб бориши ва яхлит тиббий хизматлар бозорининг шаклланиш муаммолари ҳали тўла ўрганилгани йўқ. Шу билан бирга тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларидаги иқтисодий ислохотлар кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш соҳаларидан фарқ қилади. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар чуқур таҳлил қилиниши ва мамлакатимиз ҳудудлари бўйича ўзига хос томонларини аниқлаш, ҳамда молиявий барқарорлигини таъминловчи йўналишларини белгилаш илмий изланишлари кун тартибида ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тадқиқот предмети бўлиб тиббий хизмат кўрсатиш тизимида молиялаштиришнинг янги услублари ва уларни бозор иқтисодиёти шароитига мувофиқлашуви билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатлар соҳада бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиш жараёни, мулк шаклининг ўзгариши, пуллик тиббий хизматлар кенгайтирилиши ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик масалалари мажмуи ҳисобланади. Тадқиқотнинг объекти Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббий хизмат тизимидаги турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган муассасалар олинган.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг ишининг назарий ва услубий асосини бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари, Президентимиз И.А.Каримов томонидаи асосланган Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврини назарий тамойиллари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, мамлакатимиз ва хорижий олимлари мазкур муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлар ташкил қилади.

Тадқиқотни ўтказишда мантиқий, иқтисодий ва таққослаш таҳлили, илмий абстракциялаш, статистик гуруҳлаш, таққослаш, истиқболни белгилаш, индекс услуби, корреляция таҳлили, синтез услублари, тизимли ёндашиш, график ва бошқа иқтисодий услубларидан фойдаланилди.

Диссертацияни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги, Республикаси Молия Вазирлиги, Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотлари ва турли даврларда нашр этилган статистик тўпламлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотларининг бошланғич маълумотлари, монография ва рисоалар шаклидаги нашрлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- изланувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштириш масалалари таҳлил қилинди, шунингдек бозор муносабатларини ривожланиши шароитида тизим муассасаларида молиявий барқарорликни таъминлаш ва уларни фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланди;
- тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнини дастлабки натижаларини таҳлил қилиш орқали, уларни Республика иқтисодиётида тутган ўрни ёритилди;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги иқтисодий ислохотлар, уларнинг соҳа муассасалари фаолиятларига таъсири ёритилди;
- соғлиқни сақлаш соҳасида хўжалик юритишни бозор шакллари, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши шароитлари кўриб чиқилди ва бу тизимларда мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш йўллари кўрсатилди;
- соғлиқни сақлаш соҳасида сўнгги йўللار давомида хўжалик юритишни бозор шакллари, тадбиркорликнинг ҳамда маркетинг фаолиятини ривожлантириш ҳолатлари аниқланди;
- молиявий барқарорликни таъминлаш учун режалаштиришнинг янги услублари таклиф этилди;
- Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнидаги тўсиқ ва камчиликларни олдини олиш ҳамда соҳада тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш йўл-йўриқлари ўрганилди.

Илмий изланишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотлар жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳалари тизимидаги муассасаларда молиявий барқарорликни таъминлашни бозор хўжалиги талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш бўйича услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот ишининг асосий мазмуни. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлиги, мақсадлари ва вазифалари, илмий янгилиги ёритиб берилган.

Ишнинг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб ва хулосадан ташкил топган.

I бобда Тиббиёт соғлиқни сақлаш тизимини моҳияти ва унинг асосий вазифалари мазмуни илмий тадқиқ этилган.

II бобда Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида смета харажатларининг режалаштириш ўрганиб чиқилган.

III бобда Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи асослаб берилган.

Хулосада тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлар умумлашган ҳолда баён этилган.

I боб. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимида молиявий ресурсларни ўрни ва моҳияти, вазифалари

1.1. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми

Соғлиқни сақлаш тизимидаги иқтисодий ислохотлар жараёни самарадорлиги бу соҳани нафақат инсоният ҳаёти ва яшаши учун ўта зарурлигидан, балки жамиятнинг келажакдаги ривожини учун молиявий ресурсларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш шартларини юзага келишига қаратилгандир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ташкилий-бошқарув фаолиятидаги ўзгаришлар соҳа иқтисодини қайта қуриш билан биргаликда олиб борилмоқда. Соҳа иқтисодиётига баҳо бериш учун унинг молия-кредит тизимини тадқиқот қилиш зарурдир. Бу эса ўз навбатида республика аҳолисининг соғлом бўлиши, узок умр кўриши қўп жиҳатдан соҳани молиялаштириш даражаси ҳажмига шу жумладан, давлатнинг иқтисодий ҳолатига ва соғлиқни сақлаш борасида олиб бораётган сиёсатига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда давлатнинг соғлиқни сақлаш борасида олиб бораётган сиёсати «Фуқаролар соғлиғини муҳофаза этиш» ва «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони асосида олиб борилмоқда. Молиялаштириш ҳажмида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳозирда давлат томонидан молиялаштириш билан бир қаторда соҳага ўз фаолиятини молиялаштириш учун қўшимча манбалардан молиявий ресурслар жалб қилиш учун катта мустақиллик берилган.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштиришни тубдан ўзгартириш вазифаларини ечишни ўз олдига вазифа қилиб олган бўлиб унинг мақсади:

- ❖ ялпи ички махсулотнинг соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган улушини босқичма-босқич кўпайтириб бориш;
- ❖ соғлиқни сақлашга кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбаларда) молиялаштириш тизимини киритиш;
- ❖ соҳада ўз-ўзини молиялаштиришни ривожлантириш;
- ❖ соҳа турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, республика фуқароларининг шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш;
- ❖ аҳоли саломатлигини тиклашда хомийларнинг моддий қўллаб-қувватлашларини олиб бориш;
- ❖ соғлиқни сақлаш муассасалари даромадларини оширишни таъминлашда пуллик даволаш хизматларидан, тадбиркорликдан маслаҳатлар беришдан, асосий воситаларни ижарага беришдан ва фаолиятни бошқа турларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишдан иборатдир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар асосида молиявий таъминотни йўлга қўйиш иқтисодий мустақилликка асосланади. Соҳада иқтисодий мустақиллик замирида ўз маблағларидан қандай эркин фойдаланилса, фаолият натижасида яратилган молиявий ресурслардан ҳам шундай фойдаланилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси кўпгина ҳуқуқларга эга бўлиш билан бир қаторда ўз қўл остида бўлган мулкдан ва пул маблағларидан фойдаланиш мажбурияти учун жавобгар ҳисобланади. Юқоридаги маблағлар етишмаган ҳолда смета асосида молиялаштирувчи орган жавобгар ҳисобланади. Нодавлат соғлиқни сақлаш муассасалари ҳаракатига қонунчилик асосида банкрот деб эълон қилиниши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизими молиявий таъминотини етарлича молиявий ресурслар билан таъминланишини кўп жиҳатдан жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига боғлиқ. Чунки давлат иқтисодий жиҳатдан қанча бақувват бўлса, соғлиқни сақлаш тизими учун шунча кўп маблағ ажратилади.

Жамиятнинг ижтимоий ҳолати яхши бўлса қўшимча пуллик хизматларни сотиб олиш учун имконият яратилади.

Соғлиқни сақлаш тизими ҳудудларга қуйидагича таъсир ўтказади:

- иқтисодий томондан ҳудуд аҳолиси ўртасида касалликнинг камайиши ўз навбатида ҳудудга қўшимча молиявий ресурсларнинг оқими учун имконият яратади;
- бозор шароитига ўтиш натижасида соғлиқни сақлаш соҳаси тижорат асосидаги ҳисоб-китобларга аста-секинлик билан ўта бошлаганлиги сабабли ўз фаолиятида молиявий сиёсатни олиб боришда катта эркинликларга эга бўлдилар.

Улар бугунги кунда бозорга кандай хизматларни таклиф қилишни ўзлари мустақил белгилайдилар. Бажараётган хизматлар учун баҳолар ва иш сифати соҳадаги самарадорликка, муассасаларнинг обрўсига ва иқтисодий фаолиятига катта таъсир ўтказади. Шунингдек соғлиқни сақлаш тизими фаолияти жамият ҳаётига, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатига биринчи даражали таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам соҳа давлат томонидан қатъий белгиланган меъёрларга риоя этади, ҳамда тижорат фаолиятида маълум чегараланишлар мавжуддир (маълум тоифа аҳоли учун кўрсатилган хизматлар давлат бюджети томонидан қопланиб борилади).

Соғлиқни сақлаш тизимини давлат бюджети томонидан молиялаш-тириш давлатининг иқтисодий ва молиявий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бюджетни тузиш ва бажариш бўйича ягона тартибга асосланади.

Соғлиқни сақлаш – бу инсон омили учун инвестиция ҳисобланади. Чунки давлат ва жамият бу инвестиция учун тўлиқ манфаатдор, сабаби инсоннинг саломатлик ва узоқ умр кўриш даражасининг юқори бўлиши иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Молия-кредит механизми таркиби қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

- молия-кредит алоқаларини ташкил этишнинг шакллари, усуллари ва тамойиллари;

- иқтисодий қонунлар таъсири;
- режалаштириш тизими, молия-кредит механизми натижалари таъсири устидан назорат ва бошқариш;
- молиянинг ривожланиш қонуниятлари;
- иқтисодий ва молиявий сиёсат вазифаларини ўрганиш;
- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш орқали истиқболни белгилаш;
- молиявий бошқариш.

Юқоридаги бўғинлар мустақил фаолият қилишга қарамасдан улар бири бири билан ўзаро боғлиқдир. Молия-кредит механизмининг таркибий қисмининг ички боғлиқлиги биринчи навбатдаги ҳисобланади ва унинг ҳаракатининг самарадорлигини аниқлашнинг ажралмас шarti ҳисобланади.

Молия-кредит механизмининг ташкил этишнинг турли шакллари, яъни бюджетдан молиялаштириш, банкдан кредитлаш ва ўз-ўзини молиялаштириш молия-кредит алоқаларини амал қилиш жараёнида бир вақтнинг ўзида фойдаланилади. Улар доимо бир-бирларини тўлдириб борилади, уларни тўғри танлаш эса аниқ йўналтирилган соҳагагина эмас, балки барча хўжалик механизмининг ҳам самарадорлигига таъсир кўрсатади. Молиялаш ва кредитлашга таъсир қилувчи усуллар ўзида аниқ меъёрларни шунингдек турли фондларни ташкил қилиш тартиби ва шартларини акс эттиради.

Молия-кредит механизмининг амал қилиш тартиби таркибий тузилмалар томонидаи ўрнатилади. У ўз ичига ҳуқуқий меъёрларни, режалаштиришни, бошқарувни ва назоратни олади. Ҳуқуқий меъёрлар, молия-кредит алоқаларнинг ташкил этиш масалалари бўйича қонуний актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фойдаланилади. Меъёрий актларни ўрнатиш тартиби фаолияти турлари бўйича вазирликлар зиммасига юклатилган. Бу эса ўз навбатида ҳар бир соҳа бўйича молия-кредит сиёсатини муваффақиятли ўтказиш ва молия-кредит механизмини аниқ амал қилиш учун керакли шароитларни яратмоқда ҳамда режалаштириш, бошқариш ва назорат молия-кредит алоқаларини тартибга солувчи меъёрий актлар асосида ҳаракат

қилади. Бу ишлар тарихан шаклланган бўлиб, иқтисодий ва сиёсий шартлар асосида амал қилади. Молия-кредит механизмини доимо такомиллаштириб боришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир формациясида маълум бир молия-кредит механизми шу формацияга мос равишда ҳаракат қилади.

Молиявий сиёсатнинг муҳим ва мураккаб вазифаси, тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш, иқтисодий сиёсат белгилаб берган ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида уни такомиллаштиришдир.

1-чизма



Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш – молия механизми-нинг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалар ва балансларни ҳамда молиявий кўрсаткичлар ва меъёрий тизимни ўз ичига олади.

Молиявий бошқариш – субъектларнинг молиявий муносабатларини амалга оширишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш усуллари ва услублари йиғиндисидан иборат.

Юқоридагилар асосида соғлиқни сақлаш тизими молия-кредит механизмини амал қилиш таркибини тадқиқот қилишга тўхталиб ўтамыз.

Бугунги кунда соғлиқни сақалашни молиялаштириш тубдан ўзгарди. Давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджети улуши кўп миқдорини ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш кўлами амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Лекин


бугунги кунда молиялаштиришни янги нобюджет манбалари вужудга келмоқда.

Бюджет томонидан молиялаштириш субъектлари бўйича республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан молиялаштиришга ажратиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиявий ресурслари икки манбаадан (давлат бюджети ва нобюджет маблағлардан) ташкил топади. (2- чизма).

2-чизма

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг асосий манбаалар



Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат, харажат моддалари бўйича берилган маблағларга асосланиб амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган соҳаларда молиявий механизми

такомиллаштириш, бюджет маъблағларини мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишни ташкил этишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида 1998 йил 10-ноябрдаги 2107-ПҚ молиялаштиришнинг янги тартибини жорий қилинди, бу қарорга асосан:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолиятини самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаш базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бўлиб бюджетдан ташқари фондларни жалб қилиш орқали молиялаштиришнинг янги манбааларини излаб топиш ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон учун бутун дуёнда ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос шarti ҳисобланади.

Соҳада тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу давлат томонидан соғлиқни сақлаш учун ажратилган моддий ресурслар ҳисобланади. Бу моддий ресурслар соҳа учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи доирасида берилган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун катта имкониятлар яратади.

Соғлиқ сақлаш тизими бюджетдан ташқари фаолиятидан олинган маблағлардан фойдаланишда катта эркинликларга эгадир.

Бюджетдан ташқари фаолиятни қўйидаги йўналишлар бўйича классификациялаш мумкин:

Соғлиқни сақлаш хизматлар:

- пуллик даволаш хизматлари;
- врачлик қабули ва маслаҳатлар;
- шартнома асосида муассасаларда профилактика ишларини олиб бориш;
- қисқа муддатлик пуллик даволаш курсларини ташкил этиш;
- корхона ва ташкилотлар ишчи ходимларни тиббий кўригидан ўтказиш;
- корхона ва ташкилотлар пуллик курс ва семинарлар ташкил этиш;
- асосий воситаларни фойдаланишдан бўш вақтларда ижарага бериш;
- ташқи иқтисодий фаолият;
- соғлиқни сақлашни қўллаб қувватлаш учун чет эл фондларининг ташкил этган дастурларида қатнашиш;
- даволаш ходимларини чет элларга тажриба алмашиши учун юбориш;
- турли хилдаги чет эл инвестицияларни жалб қилиш.

1.2. Соғлиқни сақлаш тизимини маблағларни шаклланиши, уларни тавсифидан, фойдаланиш тартиби ва тамойинллари.

Давлат соғлиқни сақлаш муассасалари бюджет ташкилотлари ҳисобланади, уларни ўз функцияларини бажарилишлари учун Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни сақлаш Давлат дастури” асосида давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштирилади. Бюджет маблағларини олиш учун асос бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини тасдиқланган харажатлар сметаси ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджет тизими қўйидаги тамойиллар асосида ташкил топади:

- ички молия тизимининг услибий бирлиги;
- даромад харажатларни тўла ҳисобга олиниши;

- оммабоплиги ва ошкоралиги;
- раҳбарлар даражаси бўйича бюджет маблағларини тақсимланиши.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари молиявий алоқаларини тартибга солишда, ўзлари учун ўрнатилган ҳуқуқлар доирасида буйруқлар ва қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджети бу – ҳаракатдаги қонунчилик асосида соғлиқни сақлаш соҳасига бириктирилган пул маблағларини ташкил қилиниши ва ишлатилиши юзасидан олиб бориладиган фаолиятдир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджети алоҳида муассаса учун тўлалигича, қисман юридик шахс мақомидаги бўлимлар учун алоҳида ва молиявий ҳисоб юритиладиган ички бўлимлар учун алоҳида тузилади.

Бюджет тизими уч даражага ажратилади:

- ❖ соғлиқни сақлаш бўйича умумий;
- ❖ алоҳидаги даражадаги бўлимлар учун;
- ❖ алоҳида объект, алоҳида тадбир ва алоҳида ишлар даражаси бўйича.

Молиялаштириш маблағлари соғлиқни сақлаш соҳаси учун давлат тузилмаларидан (давлат маблағлари), шунингдек корхоналар ва фуқаролардан (нодавлат маблағлари) келиб тушиши мумкин.

Бюджет классификацияси давлат тизими бўйича даромад ва харажатларни моддалар бўйича гуруҳлаш асосида амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш бюджети тизими ягона классификациядан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш муассасаларини бошқариш даражаси бўйича умумий бюджетни тузиш керакли статистик ҳисоботларни тақдим этишда ягона ва режалаштириш ҳужжатлари шаклларида фойдаланиш ягона ҳуқуқий базасини таъминлайди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси даромадлари – бу бюджет муассасалари ихтиёридаги тушадиган пул маблағларидир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари – соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларини, уларнинг айрим бўлимларини ва алоҳида ишчи-ходимларни эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган пул маблағларидир.

Давлат томонидан молиялаштириладиган маблағлар алоҳида моддаларда акс эттирилади. Бу қўйидаги моддаларга тааллуқлидир, яъни иш ҳақи фонди, капитал қўйилмалар ва жорий харажатлардир.

Корхона ва ташкилотлар соғлиқни сақлаш муассасаларига қурилмалар, материаллар, бинолар, транспортлар, техника воситалари ва молиявий ресурсларни бепул қайтариб бермаслик шarti билан беришлари мумкин. Соғлиқни сақлаш муассасалари бу турдаги барча воситалардан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Соғлиқни сақлаш муассасалари давлат, корхоналар, аҳоли ва бошқа манбалар орқали олинган ер участкаларига, биноларга қурилмаларга ва бошқа турдаги моддий ресурсларга оператив бошқариш жараёнида эгалик қилади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ўзлари ишлаб топган (бюджетдан ташқари маблағлари) ҳисобидан ўзи учун керакли бўлган барча турдаги моддий ресурсларни, қурилмаларни, ер майдонларини, бинолар ҳоҳлаган корхонада ёки пул ўтказиш шarti билан сотиб олишлари ёки ижарага беришлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари давлат молиявий маблағларини бюджет счёти Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан назорат қилиб турилади, бу маблағлардан мақсадсиз фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бюджет маблағларини тақсимловчилари бўлиб соғлиқни сақлаш муассасаларида бош ҳаким ҳисобланади, шунингдек муассасанинг банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган маънсул шахс ёки тўла ва қисман молиявий мустақилликка эга бўлган бўлим раҳбарлари ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий мустақиллиги бу муассасаларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш воситаси

ҳисобланади. Лекин мустақиллик шахсий манфат учун хизмат қилмаслиги лозим. Муассасалар раҳбарлари мустақиллик олиш билан биргаликда, ўз бўлимларини шунингдек муассасаларини ривожланиши учун жавобгарликни ҳам оладилар. Молиявий мустақиллик муассаса қабул қилган дастур асосида ҳаракат қилиб муассаса мақсадларини муваффақиятлиги амалга оширишга қаратилган бўлиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари бюджет даромадлари қўйидаги манбалар ҳисобига шаклланади:

- давлат бюджет томонидан тасдиқланган смета асосида;
- ишчи ходимларни малакасини ошириш учун давлат бюджети томонидан молиялаштириш;
- давлат бюджет томонидан мақсадли тадбирлар учун;
- муассаса мулкани ресурсларини ижарага беришдан;
- номодий активларни сотишдан даромадлари;
- муассаса мулкани сотишдаги даромадлари;
- пуллик даволаш хизматларидан даромадлари;
- врач қабули ва маслаҳатларидан даромадлари;
- шартнома асосида корхоналарда профилактика ишларини олиб боришдан даромадлари;
- қисқа муддатли пуллик даволаш курсларини ташкил этишдан даромадлар;
- корхона ва ташкилотларда ишчи – хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказишдан даромадлар;
- корхона ва ташкилотларда пуллик курс ва семинарлар ташкил этишдан даромадлар;
- хомийлар, корхоналар ва фуқаролар томонидан қайтариб бермаслик шарти билан берилган маблағлар.

Муассасалар томонидан олинган қўшимча даромадлари ёки режадан ортиқ тушумлар биринчи навбатда шу даромадлар ҳисобидан қопланиши

лозим бўлган харажатларга, иккинчи навбатда жорий қарзларни ёпишга, учинчи навбатда кўзда тутилмаган ишларга ва охири узоқ муддатли қарзларни ёпишга ишлатилади.

Қўшимча маблағларидан фойдаланишни устивор йўналишлари муассаса кенгаш қарори асосида ёки бош ҳаким томонидан аниқланади.

Бюджетдан ташқари даромадлар бўйича йил давомида режалаштирилмаган янги харажатлар пайдо бўлса уларни молиялаштириш муассаса умумий йиғилиш қарори билан ёки уларни молиялаштириш манбаи кўрсатилган ҳолда муассаса раҳбари буйруғи билан амалга оширилади. Давлат органлари томонидан ажратилган молиявий маблағлар муассаса томонидан бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас. Соғлиқни сақлаш муассасалари тиббий хизмат фаолиятидан олган даромадларидан ўзларининг умумий йиғилиш қарори асосида ишлатишлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасаларнинг тиббий хизмат фаолияти маблағлардан ўз хоҳишлари билан фойдаланишлари мумкин, лекин ўз даромадларини ҳисобга олишда қўйидагиларни инобатга олиш мажбурийдир:

- маблағларни йўқотиш таваккалчилиги;
- кутилаётган даромадлар миқдори;
- соғлиқни сақлаш муассасаси жойлашган ҳудудни, аҳолини ва шу муассасани истиқболдаги ривожланиш йўналишларини ҳисобга олиш;
- муассасани ривожлантириш тадбирларини ўтказишдан йўқотишларни ҳисобга олиш;
- соғлиқни сақлаш муассасасини ривожлантириш учун йўналтириши лозим бўлган фойдани бошқа мақсадларга йўналтирилгани учун қўшимча ҳисобланадиган солиқ тўловларини ва ҳоказоларни.

Тиббиёт муассасаларлари ўзлари ишлаб топган маблағларини бошқа юридик шахсларга беришлари ёки юридик шахсларнинг устав фондига капитал беришлари учун шу муассаса йиғилиш қарори талаб қилинади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари учун давлат бюджети томонидан ажратилган маблағ ҳамда ўзлари томонидан пуллик хизматлар орқали ишлаб топилган молиявий ресурслари муассаса таркибий қисмлари ва умумий тадбирлар қуйидаги тартиб бўйича тақсимланади:

- давлат ва нодавлат молиялаштиришнинг реал истиқбол режалари бўйича;
- маблағларни тушумлари манбалари баҳолаш асосида;
- муассаса фаолиятининг энг устувор йўналишилари бўйича;
- иш ҳақиға бўлган эҳтиёжини харажатлар тизимидаги режасини аниқлаш асосида;
- муассаса умумий аҳамиятига эға бўлган бинолар, қурилмалар ва бошқа асосий воситаларға ҳудудий хизмат кўрсатишни режалаштириш бўйича;
- муассаса бошқарув ва ёрдамчи таркиблар хизматлари баҳоларини меъёрий асосида аниқлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида давлат тиббиёт муассасалари учун бюджетни шаклланишида фаолияти бўйича харажатлар таркиби қуйидагича ўрнатилган:

- жорий йил учун тасдиқланган смета ёки маълум ҳисобот даври; доирасида муассаса фаолиятини таъминловчи, жорий харажатлар;
- муассаса ривожланишини таъминловчи капитал харажатлар.

Жорий харажатлар унсурлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнатға ҳақ тўлаш, шу жумладан;
- ишловчиларнинг асосий иш ҳақи;
- иш ҳақиға қўшимчалар;
- қўшимча иш ҳақи;
- ишловчиларға бошқа пул мабларлари;
- давлат ижтимоий суғуртаси ажратмалари;
- мажбурий тиббий суғурта ажратмалари;
- давлат бандлик фонди ажратмалари;

- пенсия фонди ажратмалари;
- таъминот предметлари ва материаллар харажатлари, шужумладан:
 - девонхона харажатлари;
 - юмшоқ жиҳозлар;
 - қаттиқ жиҳозлар;
 - бошқа материаллар харажатлари;
 - хизмат юзасидан сафар харажатлари:
 - транспорт хизмати учун тўловлар;
 - алоқа хизмати тўловлари;
 - дори-дармон харажатлари;
 - бошқа хизматлар учун тўловлар, шу жумладан;
 - биноларни жорий таъмирлаш;
 - жиҳозлар ва инвентарларни жорий таъмирлаш;
 - овқатланиш учун тўловлар;
 - бошқа тўловлар.

Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларнинг молиясини такомиллаштиришнинг асосий шарти бўлиб бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳада энг асосий вазифалардан бўлиб билим даражасини ошириш, молиявий маблағларни харажат қилишда уларни шаклланиши механизмларни энг оптимал вариантларини излаб топиш орқали ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш лозим.

1.3. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштиришни ўзига хослиги

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш механизми республиканинг иқтисодий ва молиявий сиёсатидан келиб чиқан ҳолда бюджетни тузиш ва ишлатилиши жараёни тартиби республикада бюджет тизими ягоналик тамойилига асосланган ҳолда

амал қилади. Соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш манбаларига қараб республика ва маҳаллий бюджетга бўйин синдирувчи муассасаларга ажратилади.

Соғлиқни сақлаш муассасасининг бажарадиган фаолиятига қараб белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилди. Чунки, ҳар бир касаллик тури бўйича овқатланиш дори-дармонлар, юмшоқ жиҳозлар харажатлари ва ҳатто врачлар, ҳамширалар ҳамда кичик хизмат қилувчи ходимлар сони ҳам турличадир. Молиялаштириш икки манбаа асосида бюджет ва нобюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишни назоратини кучайтириш мақсадида ҳозирда молиялаштиришнинг янги тартиби жорий қилинган бўлиб, бу тартибга биноан маблағлар харажатлар моддалар гуруҳлари бўйича берилмоқда. Бу тартиб муассаса раҳбарларини мустақиллигини ошириш билан бир қаторда уларни жавобгарлигини ҳам оширади. Ҳамда молиялаш-тириш механизмини содалаштириб, муассаса ишчи ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга шароит яратади.

Янги бир сатр орқали меъёрлар асосида молиялаштириш тартиби тиббиёт муассасалари учун муассасани ривожлантириш фондини ташкил этиш ҳуқуқини берган бўлиб, бу фонд қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- маълум ҳисобот даври учун бюджетдан режа асосида молиялаштирилган ва ҳисобот даври охирига иқтисод (фойдаланилмаган) қилиб қолинган маблағ;
- муассаса фаолияти натижасида тиббий пуллик хизмат кўрсатиш даромадлари;
- юридик ва жисмоний шахсларни ҳомийлик ва қайтариб бермаслик ёрдами натижасида.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг янгича тартиби шунингдек муассасаларнинг бюджетдан ташқари топган даромадларини давлат бюджети даромадлари қисмига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг барча

турларидан озод қилиб, бўш пул маблағларини муассасани моддий-техника базасини ривожлантиришга, ижтимоий базани мустаҳкамлашга ва ишловчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги Фармонида асосий эътибор оналар ва болалар касалликларини камайтиришга, туғруқхоналар, қишлоқ шифохона бўлимлари, тиббий тез ёрдам соҳалари ишларини мукаммаллаштиришга қаратилган бўлиб, дастурининг молиялаштириш манбаи давлат бюджети маблағлари, шунингдек маълум миқдорда нобюджет фондлар, корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари, ҳомийлари маблағлари ва чет эл кредитларини ҳисобланади. Бу ўринда чет эл инвестицияларини жалб қилиш муҳим аҳамиятига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида «Соғлиқни сақлаш давлат Дастури»да асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

- тиббиёт муассасаларини замонавий жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;
- даволаш ишлари даражасини жаҳон андозалари даражасига етказиш;
- даволаш – профилактика ишлар даражасини устивор вазифаларини давлат даражасида эканлигини ҳисобга олиб, унинг молиявий иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзи молиялаштириш тизимини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлари бюджетдан ташқари маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан даволаш муассасалари учун молиявий оқимларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида бир қатор ҳужжатлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш – профилактика муассасаларнинг 2009-2011 йилларда (1-жадвал) Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш- профилактика
муассасаларнинг 2009 - 2010 - 2011 йил бюджети

№	Муассасалар номи	Жами бюджет		
		2009	2010	2011
1	Жами вилоят бўйича бюджет	60 201 518	89 411 714	120 034 529
2	Наманган вилоят ДПМ	17 908 627	27 255 338	34 626 029
3	Наманган шаҳар тиббиёт маркази	68 580 77	10 125 253	14 065 675
4	Туман тиббиёт бирлашмалари; Жами	35 423 482	52 031 123	71 342 825
	Шу жумладан			
1	Минбулоқ туман тиббиёт бирлашмаси	2 203 121	3 246 833	3 790 509
	Шундан ҚВП	434 667	654 307	
2	Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси	3 072 604	4 529 011	6 298 329
	Шундан ҚВП	612 157	841 783	
3	Наманган туман тиббиёт бирлашмаси	2 961 076	4 362 497	6 050 573
	Шундан ҚВП	729 758	1 277 016	
4	Норин туман тиббиёт бирлашмаси	2 467 616	3 626 122	4 883 991
	Шундан ҚВП	492 544	955 399	
5	Турақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси	3 276 891	4 803 966	6 698 180
	Шундан ҚВП	713 634	1 087 217	
	Турақўрғон шаҳар 1-шифохона	158 280	290 688	
	Саломатлик маркази	20 490	23 113	
6	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси	3 484 034	4 907 882	7 100 289
	Шундан ҚВП	78 0387	1 215 540	
7	Учқурғон туман тиббиёт бирлашмаси	3 847 016	5 791 317	7 824 114
	Шундан ҚВП	774 069	986 045	
	Қўғай шифохона	1 201 725	1 214 572	
8	Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси	4 092 655	6 027 201	8 306 040
	Шундан ҚВП	653 265	972 992	
9	Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси	3 336 585	4 896 202	6 767 227
	Шундан ҚВП	666 996	1 170 766	
10	Поп туман тиббиёт бирлашмаси	3 747 225	5 513 379	7 613 755
	Шундан ҚВП	791 775	1 252 146	
	Ғуримсарой шифохона	169 170	245 803	
	Халқобод ТСК	77 958	0	

	Поликлиника	406 036	588 579	
	Стоматология поликлиникаси	131 517	190 171	
	Силга қарши диспанцияси	0	173 736	
11	Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси	2 934 660	4 326 713	6 009 818
	Шундан ҚВП	582 407	1 118 980	

Наманган вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумоти

Бу ҳужжатлар қаторига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ва пуллик хизматларнинг тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек бу ҳужжатларда бюджетдан ташқари тушган маблағларни тақсимлашда қуйидагиларга эътибор бериш кўрсатиб ўтилган:

- ❖ ишловчилар меҳнاتини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга;
- ❖ маънавий, маданий тадбирлар ўтказишга;
- ❖ коммунал ва бошқа хизматларга;
- ❖ моддий-техника базасини мустаҳкамлашга.

Даволаш жараёнини замонавий тиббиёт воситалари билан таъминлашга, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олишга, капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишга ва бошқаларга.

Ҳозирги шароитда тиббиёт муассасалари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда пуллик хизматлар ҳисобига ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар, бу эса кўшимча даромадларни шаклланишга йўл очмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассаса томонидан 2009 йил 12 ойида аҳолига бепул дори-дармонлар учун ажратилган бюджетдан ажратилган маблағлари маълумоти (2-жадвалда).

2-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан 2009 йил 12 ойида аҳолига бепул дори-дармонлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

№	Номланиш	2009 йилга молияла штириш режаси	Хисобот даврида			Бепул дори- дармон олув- чилар	Уларга берил- ган рецепт- лар сони
			Режа	Моли- ялаш- тирил ди	хаки- кий хара- жат		
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ўсма касаллиги	78452	78452	78452	3985	874	2814
2	Сил касаллиги	16260	16260	16260	4412	852	2645
3	Эндокрин касаллиги	60	60	60	78514	7162	18042
4	Асаб-рухий касаллиги	3256	3256	3256	15896	6508	11054
5	Юрак касаллиги	18542	18542	18542		13	
6	Якка-ёлғизлар	10775	10775	10775	3256	874	2586
7	УВУК ва УВУН	5325	5325	5325	18411	2110	7126
8	Фронт орти қатнашчилари	11535	11535	11535	10421	2852	7947
9	Чернобилъ қатнашчиси	152220	152220	152220	5246	2110	3823
10	Байналминалчилар	0	0	0	11535	0	6968
	Ҳаммаси	296425	296425	296425	151576	23355	63005

Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари-
даги амбулатория-поликлиникаларига 2010 йилда бюджетдан ажратилган
маблағларини умумий бюджетга нисбатан тўғрилиги (3-жадвалда).

3-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларидаги
амбулатория-поликлиникаларига 2010 йилда ажратилган бюджетга
маблағларини умумий бюджетга нисбатан тўғрисида

Т/Р	Муассасалар номи	Жами бюджети	Шу жумладан			
			Стационарда		Амбул-поликлиника	
			Жами	%	Жами	%
1	2	3	4	5	6	7
1	Наманган ШМШ	10125253	5528388	54,6	4596865	45,4
2	Чортоқ ТМШ	4326713	2206624	51,0	2120089	49

3	Янгиқўрғон ТМШ	4896202	2379554	48,6	2516648	51,4
4	Уйчи ТМШ	5104548	2450183	46,2	2746247	53,8
5	Учқўрғон ТМШ	5651650	2837128	50,2	2814522	49,8
6	Норин ТМШ	3626122	1863827	51,4	1762295	48,6
7	Наманган ТМШ	4362497	2216148	50,8	2146349	49,2
8	Минбулоқ ТМШ	3246833	1733809	53,4	1513024	46,6
9	Турақўрғон ТМШ	4803966	2349139	48,9	2454827	51,1
10	Косонсой ТМШ	4529011	2164867	47,8	2364144	52,2
11	Чуст ТМШ	6027201	3140172	52,1	2887029	47,9
12	Поп ТМШ	5513379	2729123	49,5	2784256	50,5
	Жами туман ва шаҳарлар	62213375	31507080,4	50,8	30706294,6	49,2

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда Соғлиқни Сақлашни молиялаштиришни хажми ва усуллари бир қатор омиллар асосида аниқланади:

- ⇒ мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланиш даражасига қараб;
- ⇒ мамлакат раҳбарлари ва мамлакатнинг Соғлиқни Сақлаш тизими олдига қўйган вазифасига қараб;
- ⇒ тарихий урф одатлари асосида;
- ⇒ Соғлиқни Сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тузилмаларини таркибига қараб ва ҳ.к.

Соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг миллий модели фақат юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолдагина шаклланади.

Масалан, Хитой ва Японияда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаммабоп эмас, балки элитар модел сифатида, шунинг учин ҳам ЯММда соғлиқни сақлашга ажратиладиган улуш АҚШ, Швецария, Англия ва Нидерландияга қаратилганда анча микдорда кам, (4-жадвалга қаралсин) чунки бу давлатларда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаммабоп бўлиш билан бир қаторда давлат раҳбарлари сиёсати ва миллий удум ҳисобланади.

Юқоридаги давлатлар, яъни АҚШ, Швецария, Англия ва Нидерландия соғлиқни сақлаш тизимларини бозор таъсиридан сақлашга ҳаракат қилмоқдалар, лекин Россия, Ҳиндистон, Япония, Хитой ва Швеция каби давлатларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш давлатдан ташқари, яъни мустақил бўлиб, хатто давлат муассасалари ҳам бозор тузилмаси билан боғлангандир.

Ғарб мамлакатлари тиббиёт муассасаларида молиялаштиришнинг тўрт манбаи мавжуд бўлиб, улар жумласига:

- Давлат томонидан.
- Пуллик даволаш хизматлари.
- Тижорат фаолият натижалари.
- Тиббий суғуртадан.

Молиялаштириш манбалари ўртасидаги миқдор фарқ вақти ўтиши билан турли давлатларда турлича ўзгариб туради. Кўпгина чет давлатлар бюджетнинг баланслаштириш учун давлат харажатларини камайтириш орқали бюджетда молиялаштиришни камайтиришга ҳаракат қилишади. Хатто Ғарбий Европа давлатларида ҳам соғлиқни сақлашни молиялаштиришда давлатнинг ўрни камайиб, тижорат фаолиятидан олинadиган даромадлар салоҳияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги даврда кўпгина давлатларда тиббиёт хизматларига баҳоларни белгилашда турлича йўл тутилмоқда, чунки тиббий хизматлар учун баҳоларни даволаш муассасаларини ўзлари белгиламоқда. Бу эса даволанувчилар учун тиббиёт хизматларини амалга оширувчи муассасаларни танлаш имкониятини яратмоқда. Натижада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш маданияти даражаси юксалмоқда. Фуқароларни тиббий хизматларга бўлган эътиборини ортиши ўз навбатида соҳа ходимларининг иш ҳақларини ортиши ижтимоий муҳофазаларини юксалишига сабаб бўлмоқда.

Фуқароларнинг саломатлигини тикланиши, умр кўриш давомийлигини узайиши ўз навбатида меҳнат ресурсларининг ўсишига, бу эса меҳнат унум-

дорлигини юқори бўлишига, натижада аҳоли даромадларини кўпайишига сабаб бўлади, яъни жамият тараққий этади.

4-жадвал

Дунёнинг баъзи давлатларида соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштириш таркиби
(барча сарфларга нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Давлатлар	Соғлиқни сақлаш харажатлари
1	АҚШ	20.41
2	Япония	1.60
3	Нидерландия	14.79
4	Швецария	19.84
5	Англия	15.42
6	Россия	1.21
7	Туркия	3.87
8	Исроил	13.62
9	Эрон	6.19
10	Хитой	0.23
11	Хиндистон	1.8
12	Сингапур	7.18
13	Швеция	2.04

Бу эса давлатдан соғлиқни сақлашни доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

Ҳарб давлатларида соғлиқни сақлашни тижорат фаоляти турлича шаклларда, амалга оширилмоқда улар жумласига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Тиббиёт муассасалари майдонларидан, залларидан турли жамоатчилик тадбирлари учун фойдаланишга ижарага бериш;
- Тиббиёт муассасалари биноларида, тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатадиган фирмалар очиш;
- Бинолар ва бошқа асосий воситаларни бўш вақтида ижарага бериш;
- Тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан тижорат фирмаларига маслаҳатлар бериш;
- Профилактика ва даволаш ишлари;
- Буюртма асосида илмий - тадқиқот ишларини бажариш ва ҳ.к.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини қонунийлигини таъминлаш мақсадида тижорат фаолиятдан тушган барча тушумлар муассасанинг банкдаги ҳисобларига тўлиқ кирим қилинади.

Хулоса қилиб айтганда кейинги 20 йил давомида соғлиқни сақлашни молиялаштиришда умумжаҳон тажрибасига қуйидагича баҳо бериш мумкин:

1. Кўпгина Европа давлатларида охириги йилларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш абсолют миқдорда камайди. Бу ўз навбатида Европа ва Шимолий Америка давлатларидаги умумиқтисодий емирилиш натижасидир. Дунёдаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари ўз харажатларини имкон даражасида иқтисодий равишда амалга ошира бошладилар.

2. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, давлат томонидан молиялаштириладиган кўпгина тиббиёт муассасалари бозор иқтисодиётининг иқтисодий субъектларига айланиб бормоқдалар. Уларда янги хизмат турларини иқтисодий самарадорлигини тўғри баҳолаб, иқтисодий самара келтирадиган қўшимча хизмат турлари жорий қилинмоқда, бу эса фирмалар, хусусий фондлар ва ҳомийлар томонидан молиялаштиришни кўпайишига асос бўлмоқда. Тиббиёт соҳасидаги қўшимча хизматларни жорий қилиниши тижорат фаолиятини ривожланиши соҳасига давлатни аралашуви камайтирилмоқда.

3. Ўзини - ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган тиббиёт муассасаларини кўпайиши натижасида даволаш муассасалари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш камайиб бормоқда, бу эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Давлат бюджетдан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари тасдиқланган сметалар асосида молиялаштириладилар. Сметаларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилган 1996 йил 22 декабрда 2791-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги йўриқнома 2008 йил

13-октябрда (1865-сон) амалга киритилган. Бюджетдан молиялаштирилдиган ҳар бир тиббиёт муассасаси марказлашган бухгалтерия ёки алоҳида олиб ҳисобот ва тасдиқланган сметалари бўлиши шарт.

Харажатлар сметаси муассасани сақлаш учун давлат бюджетидан чораклар бўйича тақсимланган ва мақсадли йўналтирилган маблағлари асосий режа ҳужжатидир.

Соғлиқни сақлаш муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан бюджетдан молиялаштириш меъёрлари асосида ўз харажатлари сметасини мустақил ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Тасдиқланмаган сметалар асосида бюджет маблағларини харажат қилиш, тадбирлар ўтказиш, ёки сметаларда кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш, сметаларидагидан кўп харажатларни амалга ошириш ёки сметадагидан бошқа мақсадлардаги йўналишларга харажат қилиш таъқиқланади.

Юқоридаги тартибни бузган айбдор шахслар ҳаракатдаги Қонунлар асосида жавобгарликка тортилади.

Харажатлар сметасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар ва қарорлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, ваколат берилган ҳокимликлар томонидан белгиланган харажатлар кўрсатилади.

Харажатлар сметаси доимий ҳаракатдаги муассасалар учун 1 йилга 1-январдан 31-декабргача тузилади ва шу давр мобайнида ҳаракат қилади.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда тузилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳаракатдаги даромад ва харажатлар классификация асосида харажатлар гуруҳларининг тўла таркиби илова қилинади.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари учун сметалар ваколат берилган вазирликлар томонидан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари учун вилоят, ноҳия, шаҳар шунингдек шаҳар бюджетига бўйсинувчи ноҳиялар ҳокимликларининг бошқармалари ва бўлимлари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган сметаларга йил давомида ёки чоракларда ўзгартиришлар киритилса юқори ташкилотларга бу ҳақда ёзма равишда маълум қиладилар. Бу ўзгартиришлар бюджет бўйича харажатлар китобида ҳисобга олинади ҳамда тасдиқланган сметага ўзгартиришлар киритилади.

Ҳар бир келгуси йил олдидан халқ депутатлари сессияларида давлатнинг келгуси йилда олиб борадиган ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб, келгуси йил бюджетни тузиш бўйича қарорлар қабул қилинади ва молия органлари бюджетни тузиш муддатлари ва унинг таркиби бўйича кўрсатмалар оладилар. Бу кўрсатмаларда харажатлар бўйича молиявий тартибга қатъий риоя қилиш ва иқтисод режими, сметалар тузишни техникаси масалалари, смета ҳужжатларини тўлдириш, муассасаларни сметаларни тузиш бўйича молиявий хўжалик фаолиятларини ташкил қилишдаги ҳаракатдаги қонунчилик, ҳамда келгуси йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари акс эттирилади.

Сметалар бўйича харажатларни тиббиёт муассасаси жойлашган ҳудудни маблағларга бўлган эҳтиёжини қаттиқ иқтисодий режимга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш лозим.

Харажатларни ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Олий Мажлис Қарорларига, Президент фармонларига, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари меъёрий ҳужжатларига;
- бюджет муассасалари харажатларини режалаштириш меъёрий ҳужжатларига;

- давлат томонидан тартибга солинадиган ва ҳаракатдаги товар ва хизматлар баҳолари тарифига,
- шунингдек, нодавлат корхоналари ва ташкилотларнинг айрим товар хизматларга баҳоларига; Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек қонунчилик доирасида келгуси йил сметаларини тузиш масалалари бўйича ваколатли ҳокимликлар бошқарма ва бўлимлари кўрсатма ва таклифларига;

Жумладан:

- иш ҳақиға ажратмалар вазифа маошлари ва иш ҳақи ставкалари бўйича, унга қўшимчалар эса ҳаракатдаги штат меъёрларига риоя қилинган ҳолда ҳисобланади. Хўжалик усулида бажариладиган ишларга иш ҳақи, бюджет йили смета харажатларида кўзда тутилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб алоҳида смета тузилади;
- Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган суғурта тарифлари асосида жами ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан амалга оширилади;
- Коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари ўтган йилги ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, ҳаракатдаги баҳолар асосида ҳисобланади;
- Овқатланиш харажатлари, 1 ўрин кун учун касаллик турлари бўйича меъёрларни ҳисобга олган ҳолда режадаги умумий ўринларга кўпайтириш орқали ҳисобланади;
- дори-дармон харажатлари ҳаракатдаги қонунчилик меъёрлари бўйича қуйидагича;
- шифохоналарда ўрин кун, поликлиникаларда врач кўриги учун қатнов сони бўйича ҳисобланади;
- кийим-кечак, оёқ кийимлари, ёстик кўрпа жилдлари ва бошқа жиҳозлар учун смета харажатлари ҳаракатдаги моддий таъминот меъёрлари бўйича ажратилган маблағ доирасида ҳисобланади;

- юридик шахс мақомига эга бўлган ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган тиббиёт муассасалари ҳам қўшимча харажатлар сметаларни шу меъёрлар асосида тузадилар;
- тиббиёт муассасалари агарда марказлашган бухгалтерия орқали молиялаштирилса, алоҳида ҳолатларда умумий сметалар тузилишлари мумкин;
- умумий смета бюджетдан бир турдаги муассасалар учун уларни сақлаш харажатларини чоракларга тақсимланган ҳолда мақсадли йўналишлари бўйича ҳажмини аниқланган ҳужжат ҳисобланади;
- умумий сметалар кредит тақсимловчилари бўлим ноҳиялар, шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ваколат берилган бўлим ёки бошқарма раҳбарлари ҳисобланадилар;
- умумий сметалар марказлашган бухгалтериялар томонидан улар хизмат кўрсатадиган муассасалар берган бюртмалар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда тузилади.

Умумий сметалар тузиш учун буюртмалар ҳокимиятлар бўлим ва бошқармаларига улар томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар шакли бўйича тузилган сметаларга харажатлар гуруҳлари илова қилинган ҳолда топширилади.

Буюртмаларда йилдаги кўрсаткичлар акс этирилади.

а) иситиш, электр-энергия, сув таъминоти ҳамда тиббиёт ходимлари учун ҳаракатдаги қонунчилик доирасида харажатларни ҳисоблашга натурал кўрсаткичлар.

б) сотиб олиш учун мўнжалланаётган инвентар ва жиҳозлар рўйхати.

2-боб. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларда харажатларни режалаштириш

2.1. Иш ҳақини режалаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21-декабрдаги ПҚ-229-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштирилган тўғрисида»ги қарори билан тиббий ходимларни меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва қуйидаги устивор вазифалари белгиланган:

Турли тоифадаги тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси ва миқдорини белгилашда ходимлар меҳнатининг мураккаблиги, маъсулияти ва жавобгарлик даражаси, иш жараёнинг давомилиги, ходимлар малакасининг даражаси ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига қараб табақалаштиришга эришиш;

Ўз ишига садоқатли, юқори малакали, аҳолига мураккаб, замонавий диагностика ва тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ва шу билан бирга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатувчи врач ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизминини яратиш;

Врачлар, ўрта ва кичик тиббий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосий шакллари билан бир қаторда беморларни даволаш натижалари, иш стажи, ҳамда тиббиёт ходимлари касбий даражасини оширишни рағбатлатирувчи ҳамда даволаш жараёнига уларнинг шахсий ҳиссасини инобатга олувчи қўшимча тўлов шаклларини жорий этиш;

Тиббий ходимлар меҳнатига ҳолис баҳо бериш ва рағбатлантиришда тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқ ва жавобгарликларини янада оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига асосан тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими 11-разряддан иборат тариф сеткаси киради.

Тиббиёт ва фармацевтик ходимларнинг тариф стафкалари такомиллаштирилган тариф сеткаси асосида амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорини тариф

сеткасининг тегишли разряднинг тариф коэффициентига ва тиббиёт муассасининг гуруҳига қараб ўзгартирувчи коэффициентига кўпайтириш орқали аниқланади.

Такомиллаштирилган тариф сеткасини амалга киритилиши ходимларнинг мансаб маошлари миқдорининг камайишига йўл қўйилмайди.

Ўз навбатида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлаш муассалар турларига қараб табақалаштирилган, Шу мақсадда муассасалар стационар тиббиёт муассасалари учун даволанган беморлар сонига қараб ва кишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар учун уларга бириктирилган аҳолини сонига қараб гуруҳлаштирилган.

Тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимининг муҳим элементларидан бири этиб базавий тариф ставкаларига қўшимчалар белгиланди. Шу муносабат билан амалдаги ўта оғир ва соғлиқ учун зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун бериладиган қўшимчалар сақланиб, сил касалликлари муассасалари, анестезиология ва ранимация бўлимлари, рентген ва радиология бўлимлари ҳамда лабораториялар ходимлари учун қўшимчалар миқдори 15 фоиздан 25 фоизгача, паталого-анатомия бюрolari ходимлари учун эса 25 фоиздан 35 фоизгача оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида, тиббиёт ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда иш ҳақиға устамаларнинг юқори малакали, виждонли ва ўз ишиға садоқатли ходимларни рағбатлантиришдаги ўрнини кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар режалаштирилди.

1. Барча соғлиқни сақлаш муассаларнинг врачлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда фармацевтик ходимларига узликсиз иш стажига эғалиғи учун иш стажига қараб қуйидаги устамалар киритилди:

- 5 йилдан 10 йилгача тариф ставкасининг 5 фоизи;
- 10 йилдан 15 йилгача тариф ставкасининг 10 фоизи;
- 15 йилдан 20 йилгача тариф ставкасининг 15 фоизи;

- 20 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун тариф ставкасининг 20 фоизи миқдорида.

2. Иш юкчасининг суръати ва кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кечиктириб бўлмаслик омилидан ҳамда тез ёрдам ходимлари учун устама мавжудлигидан келиб чиқиб, шошилиш тиббий ёрдам ходимларига узликсиз иш стажига эгаллиги учун мансаб маошларига нисбатан 30 фоизгача устама киритилди.

3. Қуйидаги ходимлар учун амалдаги узликсиз иш стажига эгаллик учун устамаларнинг максимал миқдори оширилди:

- қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларига 40 фоиздан 50 фоизгача;

- участка терапевтлари, педиатрлари ва тиббиёт ҳамширалари ҳамда поликлиникаларнинг терапия ва педиатрия бўлинмалари мудирларига 30 фоиздан 40 фоизгача.

4. Ҳар бир тиббиёт муассасида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидан ўз касбига виждонан ёндашувда бўлганлик ва юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатганлик учун ходимларнинг тариф ставкаларига нисбатан махсус устамалар киритилди.

Бундан ташқари муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун сарфланади.

Мазкур жамғарма маблағларининг шаклланиш манбалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Тиббиёт муассаси учун бюджетдан ажиратиладиган маблағлар умумий ҳажмининг 5 фоизгача бўлган қисм, хомий ташкилотлардан, шунингдек, пуллик даволаш ва сервис хизматларидан тушадиган маблағлар, штатлар сони ва ётоқлар фонди харажатларини тартибга солиш ҳисобига иқтисод қилинган маблағлар¹.

Сметанинг бу моддасида муассаса бўлимларида, унинг таркибий тузилмаларида, бошқарув аппаратида, хўжалик ишларида ва муассаса фаолиятида

хизмат қиладиган бошқа ишчи ходимларнинг вазифаси бўйича, мавсумий ва соатбай иш ҳақларини суммаси мужассамлашган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Тиббиёт хизматларин кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш чоғида ҳисобга олиниши мумкин бўлган унсурлар ва тамойиллар билан танишиб ўтамиз.

Харажатлар унсурларини ҳисоб-китоб қилишда иккита усулдан фойдаланиш мумкин:

- 1) мураккаб усул (барча касаллик турларини бир йўла даволаш);
- 2) деталлашган усул (ҳар бир касаллик турини алоҳида даволаш).

Бу усулларни ҳисоб-китоб даврида танлаш имконият даражасидан келиб чиқади. Меҳнатга ҳақ тўлаш асосий, қўшимча ва табақаланиш асосида амалга оширилади врачлар меҳнатига ҳақ тўлаш 1 ставка учун ажратилган соатлар миқдорига қараб аниқланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш базасига малака учун устама ва оғир иш шароитида ишлаганлиги учун ҳам қўйиб берилиши мумкин.

Даволаш ишлари бўйича ёрдамчи персоналга ҳам врачларники каби меҳнатга ҳақ тўлашнинг меъёрлашган ставкасига нисбатан ишлаган вақти учун сарфланган соат ҳисобида меҳнат ҳақи ҳисобланади.

Иш ҳақида қўшимчалар меҳнат шароити оғир ишларга, соғлиқ учун зарарли ишларга, тунги сменаларда ишлагани учун, дам олиш ва байрам кунлари ишлагани учун, юқори малакали ходимлар учун қўшилиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисобланадиган ижтимоий суғурта суммаси давлат фондлари меъёрлари бўйича амалга оширилади.

Республикаимиз соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳозирги кунда Ишлаб чиқариш амалиётлари учун харажатлар. «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари талабалари ишлаб чиқариш амалиётлари тўғрисида» ги тартиб бўйича амалга оширилади. Муассасага келган талабалар учун муассаса раҳбари буйруғи билан раҳбарлар тайинланади, бу раҳбарлар учун тўлана-диган иш ҳақи сметада режалаштирилади. Амалиётни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар штатдан ташқари ишчилар иш ҳақида қўйилади ва харажатлар сметасининг

¹ Ш.Қўчқаров."Бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш тизимида". Наманган

01765 моддасида юритилади. Штатдан ташқари ишчи ходим-ларга харажатлар сметасининг 01765 моддасининг жамланмасидан кейин алоҳида қаторда «Шу жумладан штатдан ташқари ходимлар иш ҳақи» деб кўрсатилади.

Соғлиқни сақлаш тизимида даволаш-профилактика муассасаларни 2009-2011 йилларда бюджетдан ажратилган иш ҳақи ва иш ҳақиға тенглаштирилган маблағларини шаҳар ва туман муассасаларига тақсимланишини (5-жадвалда).

5-жадвал

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида даволаш-профилактика муассасаларнинг 2009-2011 йилларда бюджетдан ажратилган иш ҳақи

№	Муассасалар номи	Иш ҳақи ва иш ҳақиға тенглаштирилган маблағ		
		2009 й	2010 й	2011 й
1	Жами вилоят бўйича бюджет	50854 532	75 845 925	106 115 948
2	Наманган вилоят ДПМ	14237 037	20 345 890	30 096 746
3	Наманган шаҳар тиббиёт маркази	6014 881	9 109 231	11 830 790
4	Туман тиббиёт бирлашмалари; Жами	30592 750	46 390 804	64 188 412
	Шу жумладан			
1	Минбулок туман тиббиёт бирлашмаси	1874 964	2 844 199	3 463 671
	Шундан ҚВП	408 742	622436	
2	Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси	2635 706	4017927	5617989
	Шундан ҚВП	574 584	797747	
3	Наманган туман тиббиёт бирлашмаси	2582 095	3899827	5429102
	Шундан ҚВП	697 166	1214658	
4	Норин туман тиббиёт бирлашмаси	2123 701	3219874	4388047
	Шундан ҚВП	4629 697	893970	
5	Турақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси	2804 037	4247409	5938709
	Шундан ҚВП	672969	1033630	
	Турақўрғон шаҳар 1-шифохона	154783	259247	
	Саломатлик маркази	20189	21874	
6	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси	296757	4494580	6351504
	Шундан ҚВП	735979	1165179	
7	Учқурғон туман тиббиёт бирлашмаси	3357772	5150998	7135027
	Шундан ҚВП	731994	887245	
	Қўғай шифохона	715205	1100448	
8	Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси	3586860	5429733	7550860
	Шундан ҚВП	609766	930289	
9	Янгиқурғон туман тиббиёт бирлашмаси	2879161	4330872	6040950
	Шундан ҚВП	627657	1117948	
10	Поп туман тиббиёт бирлашмаси	3280601	4966881	6948522
	Шундан ҚВП	747977	1184369	

нашриёти 2010 й 125 б.

	Ғуримсарой шифохона	137785	209311	
	Хакилобод ТСК	57766	0	
	Поликлиника	303040	536481	
	Стаматология поликлиникаси	122735	184651	
	Силга қарши диспанцияси	0	120442	
11	Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси	2500196	3788504	5324031
	Шундан ҚВП	545043	1032655	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходим-лари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомга 2-иловада кўрсатилган раҳбарлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари турига тегишли деб ҳисоблашнинг ягона принцип-ларини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони асосида Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлар-ни туридан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қўйидаги разряд ва тариф коэффициентлари ўрнатилади.²

Раҳбар ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қўйидаги
разряд ва тариф коэффициентлари.

Муассасалар типи	Разряди	Тариф
IV-тип	8	5,453
III-тип	9	6,053
II-тип	10	6,719
I-тип	11	7,390

² Ш.Қўчқаров. “Бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш тизимида”. Наманган нашриёти 2010 й 149 б.

Соғлиқни сақлаш муассасалари даволаш ишлари бўйича раҳбар мовинлари учун, муассасаларнинг типидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги разряд ва тариф коэффициентлари ўрнатилади:

Муассасалар типи	Разряди	Тариф коэффициенти
IV-	7	4,913
III-	8	5,453
II-	9	6,053
I-	10	6,719

Соғлиқни сақлаш муассасалари бош ҳамширалари учун, муассасаларнинг типидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги разряд ва тариф коэффициентлари ўрнатилади:

Муассасалар типи	Разряди	Тариф коэффициенти
IV-	5	4,060
III-	6	4,466
II-	7	4,913
I-	8	5,453

Раҳбар ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги разряд ва тариф коэффициентлари бўйича соғлиқни сақлаш тизимида даволаш-профилактика муассасаларнинг 2009 йил 31 декабр ҳолатига штат бирликлари ва 2009 йилнинг 12 ойлик иш ҳақиларини тақсимланишини (8-жадвалда).

Шуни эътиборга олиш керакки илмий ва ўқув ишлари учун сарфланадиган ёруғлик харажатлари 01765 кодда юритилади.

Биоларни жорий таъмирлашни ҳисобга олинаётганда муассасага қарашли барча биолар назарда тутилади. Шу билан бирга биоларни жорий таъмирлашни ҳисобга олинаётганда муассаса штат жадвалида мавжуд бўлган

таъмирловчи ишчилар, слесар-сантехниклар, усталар, бўёқчилар, рассомлар ва бошқа шу масалага доир вазифалар ҳисобга олинади.

Девонхона харажатлари ўрнатилган тартибга биноан ўтган йилги режалаштирилган режа доирасида ҳисобга олинади.

Енгил автотранспортни сақлаш харажатлари юқори ташкилот томонидан муассаса учун ажратилган лимит асосида тақсимланади.

Жихозлар ва инвентарларни таъмирлаш харажатлари ўз ичига муассасадаги барча инвентарларни ва юмшок жихозларни олади. Биноларни ижара харажатлари муассаса сметасида аренда шартномалари асосида ҳисобга олинади.

Фақат даволаш ва девонхона учун ижарага олинган бинолар харажатлари режалаштирилади.

Муассаса сметасида унинг таркибий тузилмалари махсус ҳисобларида юритиладиган ва бошқа параграфларда ҳисобга олинadиган болалар боғчалари, соғломлаштириш лагерлари, ўқув лабораториялари каби биноларни ижара харажатлари бюджетдан молиялаштириш унун ҳисобга олинмайди.

Хўжалик харажатларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ . Барча харажатлар смета харажатларининг 1у-гурухида режалаштирилади . Агарда бу харажатлар алоҳида тадбирлар учун катта маблағ талаб этса бу тадбирлар учун харажатлар суммаси сметага иловада кўрсатилиб утилади ва маблағ сўралади.

Юқоридаги мақсадлар учун харажатлар суммаси, муассаса томонидан ўтган ҳисобот йилида режалаштирилганидан ортмаган миқдорда режалаштирилади. Сафар харажатларини режалаштиришда улардан самарали фойдаланиш йўналишларини излаб топиш орқали уларга сарфларни камайтириш, уларни сонини ва давомийлигини камайтириш орқали сафар харажатлари сарфлари хажмини камайтириш лозим. Масалан, бухгалтерия билан боғлиқ ҳужжатларни марказга вилоятлардан олиб бориш

ёки товарлар ва хизматлар бўйича бошқа шаҳарлардан ҳужжатларни олиб келиш учун ҳозирги кунда интернет ва факс хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Хизмат юзасидан иш жойлари ўзгарганда бошқа турар жойда яшашга тўғри келса, ёки ёш мутахассислар бу олийгоҳдан ишга келсалар уларга бир олийлик иш ҳақлари миқдорида кўтарма пул берилади, бу маблағлар ҳисоби харажатлар сметасининг 01300 моддасида юритилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун китоб олиш харажатлари.

Ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун олиш мақсадида қилинадиган харажатлар турлари бюджетнинг харажатлар классификациясида кўрсатилган. Бу харажатлар сметанинг 01765 моддасида девонхона ва хўжалик харажатлари каби юритилади. Сметада сарфларни турлари йўналиши бўйича гуруҳланади.

Муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари учун харажатлари.

Илмий-тадқиқот ишлари учун илмий-тадқиқот предметларини сотиб олишга яъни лаборатория учун реактивлар, дори-дармонлар, илмий-тадқиқот ишлари учун сотиб олинган ҳайвонлар, илмий-экспедициялар, илмий сессиялар, съездлар, конференциялар, диссертацияларни химоя қилиш учун илмий сафарлар харажатлари киради.

Лаборатория муаммолари учун материал ва предметлар сотиб олиш харажатлари 04100 смета моддасида юритилади.

Бу харажатлар уч гурҳ бўйича режалаштирилади:

- а) Бўлимнинг бевосита харажатлари.
- б) Илмий сафарлар харажатлари;
- в) диссертация химояси харажатлари.

Илмий тадқиқод ишларини бюджет харажатлари ҳисобидан бажариладиган бўлимларида, илмий ишни бажариш бўйича бўлимга ва ҳар бир ходимга қилинадиган харажатлар режаси бўлиши керак.

Илмий экспедицияларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар алоҳида аниқланади. Илмий сафарлар билан боғлиқ, харажатлар юқори ташкилотлар томонидан шу мақсад учун сметаларда тасдиқланган харажатлар доирасида амалга оширилади. Шу билан биргаликда илмий конференцияларга ва симпозиумларга сафар харажатлари фақат расмий шахсларга ва сўзга чиқувчиларга тўланишини эътиборга олиниши лозим.

Кутубхонага китоб олиш харажатлари Молия Вазирлиги белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилади. Муассаса газета-журналларга обуна бўлиш вақтида фақат у мумий-сиёсий ва муассаса фаолиятига мос нашриётлар нашрларига қатъий чегараланган экземплярда обуна бўлишлари керак.

Инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш. Бу смета моддасида ҳаракатдаги муассасалар учун даволаш ва хўжалиқ мақсадлари учун фойдаланиладиган ва бюджет ҳисобидан сотиб олинadиган инвентар ва жиҳозлар режалаштирилади инвентар ва жиҳозларни олиб келиш билан боғлиқ харажатлар ҳам шу моддада кўрсатилади.

Янги қурилган ва ташкил қилинган муассасаларга инвентар ва жиҳозлар харажатлари шу биноларни капитал қурилиш сметалари харажатига киритилади. Инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш харажатлари ҳажми муассаса учун юқори ташкилот томонидан муассасадаги мавжуд инвентар ва жиҳозлар рўйхатини эътиборга олган ҳолда вазирлик сметасида шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан келиб чиқиб тасдиқланади.

Юмшоқ жиҳозлар ва кийим-бош сотиб олиш харажатлари.

Бу моддада ўрнатилган тартиб бўйича даволанувчиларга, врачларга, тиббий хамшираларга ва хўжалиқ ходимларига махсус кийим бошлар ва муассаса учун юмшоқ жиҳозлар (ёстиклар, кўрпалар, уларни жилдлари, сочиқлар ва хоказо) олиш харажатлари режалаштирилади.

Юмшоқ жиҳозлар харажатларини режалаштиришда эркаклар, аёллар ва болалар учун алоҳида кийим бошлар олиниши кераклигини ҳисобга олиш

лозим. Врачларга, хамшираларга ва ёрдамчи персоналга юмшоқ жиҳозлар олишда ишчи-ходимларни ўртача йиллик сонини ва бир ходимга юмшоқ, жиҳозни тўғри келадиган ўртача қийматини ҳисобга олиш лозим.

Муассаса юмшоқ жиҳозларни режалаштираётганда асосий эътиборни уларни ҳаракатдаги мавжуд миқдорига ҳамда даволаш бўлимлари бўйича хизмат қилиш муддатларига қаратиш лозим. Чунки жарроҳлик ва тўғруқхона бўлимларига нисбатан бошқа бўлимларида нисбатан бошқа бўлимларида юмшоқ жиҳозлар кўпроқ, хизмат қилиши меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Бино ва қурилмаларни капитал таъмирлаш учун ажратмалар муассасани юқори ташкилоти томонидан қўриб чиқилади. Муассасани капитал таъмирлаш учун имконият даражасида нобюджет фондлардан тушадиган маблағлардан, масалан илмий-таъқиқ ишларидан, ижара ҳисобидаи ва бошқа пуллик хизматлардан тушган маблағлардан молиявий манбаа ҳисобнда фойдаланилса. Мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқа харажатлар. Сметада 01900 моддада бошқа харажатлар учун сарфлар юритилади. Бошқа харажатларга маданий-маърифий ишлар ва jisмоний тарбия билан боғлиқ сарфлар киради.

2.2. Соғлиқни сақлаш тизимида озиқ-овқат ва дори-дармон харажатларини режалаштириш

Соғлиқни сақлаш муассасаларида энг кўп харажат турларидан бири бу озиқ- овқат харажатларидир. Соҳада иқтисодий ислохотлар жараёни кетаётган ҳозирги кунда озиқ-овқат харажатларини тўғри режалаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда шифохоналарда эрталабки нонушта Давлат бюджети томонидан бепул берилади. Қолган вақтлардаги овқатланишлар «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат

Дастури»да кўзда тутилган енгилликларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга бепул, қолган фуқаролар учун пуллик берилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида турли хилдаги касалликларни даволанишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир касаллак тури бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрлари турлича миқдорда белгиланган. Бунини биз ҳозирда ҳаракатдаги эрталабки нонушта учун озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларини (15-жадвалда) кўриб чиқиш орқали ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини режалаштиришда уларни баҳоларини ҳаракатдаги баҳолар ҳисобида олинади. Бепул бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари йил давомида баҳолар ўзгарса индексация ҳисобига бюджетдан қопланади.

Пули тўланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, баҳолар ўзгарса, ўзгарган баҳода туланади, йилни охирида ҳисобот даврида бу ҳақда тегишли тушунтириш хати ёзилади.

2.3. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника ва бошқа харажатларини режалаштириш

Хўжалик харажатларини аҳамиятга молик қисми яъни муассаса жойлашган бинони газ, сув таъминоти ва исситиш тармоғи харажатлари ҳисобида аниқланади.

Шунинг учун ҳам муассаса сметаси орқали бюджетдан молиялаштириладиган бино ва ҳудудни ҳажмини атрофлича аниқ ҳисоблаб чиқиш керак ёки керакли жойларга ҳисоблагичлар ўрнатиш лозим.

Соғлиқни сақлаш муассасасини махсус маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бинолари, таркибий тузилмалар ва бошқа хўжалик ҳисобидаги биноларни бу турдаги харажатлари бюджет харажатларини ҳисоб китоб қилишда ҳисобга олинади.

Соғлиқни сақлаш муассасаси қарамоғида бўлган бюджетнинг бошқа параграфлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган болалар боғчалари, соғломлаштириш лагерлари ва илмий тадқиқод ташкилотлари жойлашган ҳудуд ва бинолар хажми ҳам ҳисобга олинмайди.

Муассаса жойлашган бинолар кубометрами ҳисоблашда юқоридаги талаблар ҳисобга олинади. Агарда режалаштириладиган даврда бинолар кубометрида ўзгаришлар кутилаётган бўлса, у ҳолда ўша вақтни ҳисобга олган ҳолда ўртача йиллик кубометр аниқланади.

Иссиқлик харажатлари ўтган йилги ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда, бинонинг аниқланган ўлчовига нисбатан ҳар бир м³ ҳисобига ҳисобланади.

Агарда муассаса иссиқлик манбаининг марказлашган тармоғи орқали исситилса у ҳолда сметадан иссиқлик харажатлари муассасанинг иссиқлик маркази билан шартномада кўрсатилган кубометр бўйича ҳисобга олинади. Ўқув ва илмий ишларни бажариш учун сарфланадиган иссиқлик ва газ харажатлари 01440 модда бўйича эмас балки 01765 модда билан ҳисоб юритилади.

Ёритиш харажатлари муассаса жойлашган жойга нисбатан ҳар бир м² нисбатан ҳисоб-китоб қилинади. Ҳисоб-китоб ишлари юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар бўйича амалга оширилади.

Шуни эътиборга олиш керакки илмий ва ўқув ишлари учун сарфланадиган ёруғлик харажатлари 01765 кодда юритилади.

Биноларни жорий таъмирлашни ҳисобга олинаётганда муассасага қарашли барча бинолар назарда тутилади. Шу билан бирга биноларни жорий таъмирлашни ҳисобга олинаётганда муассаса штат жадвалида мавжуд бўлган таъмирловчи ишчилар, слесар-сантехниклар, усталар, бўёқчилар, рассомлар ва бошқа шу масалага доир вазифалар ҳисобга олинади.

Девонхона харажатлари ўрнатилган тартибга биноан ўтган йилги режалаштирилган режа доирасида ҳисобга олинади.

Енгил автотранспортни сақлаш харажатлари юқори ташкилот томонидан муассаса учун ажратилган лимит асосида тақсимланади.

Жихозлар ва инвентарларни таъмирлаш харажатлари ўз ичига муассасадаги барча инвентарларни ва юмшок жихозларни олади. Биноларни ижара харажатлари муассаса сметасида аренда шартномалари асосида ҳисобга олинади.

Фақат даволаш ва девонхона учун ижарага олинган бинолар харажатлари режалаштирилади.

Муассаса сметасида унинг таркибий тузилмалари махсус ҳисобларида юритиладиган ва бошқа параграфларда ҳисобга олинadиган болалар боғчалари, соғломлаштириш лагерлари, ўқув лабораториялари каби биноларни ижара харажатлари бюджетдан молиялаштириш унун ҳисобга олинмайди.

Хўжалик харажатларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ . Барча харажатлар смета харажатларининг 1у-гурухида режалаштирилади . Агарда бу харажатлар алоҳида тадбирлар учун катта маблағ талаб этса бу тадбирлар учун харажатлар суммаси сметага иловада кўрсатилиб утилади ва маблағ сўралади.

Юқоридаги мақсадлар учун харажатлар суммаси, муассаса томонидан ўтган ҳисобот йилида режалаштирилганидан ортмаган миқдорда режалаштирилади. Сафар харажатларини режалаштиришда улардан самарали фойдаланиш йўналишларини излаб топиш орқали уларга сарфларни камайтириш, уларни сонини ва давомийлигини камайтириш орқали сафар харажатлари сарфлари хажмини камайтириш лозим. Масалан, бухгалтерия билан боғлиқ ҳужжатларни марказга вилоятлардан олиб бориш ёки товарлар ва ҳизматлар бўйича бошқа шаҳарлардан ҳужжатларни олиб

келиш учун ҳозирги кунда интернет ва факс хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Хизмат юзасидан иш жойлари ўзгарганда бошқа турар жойда яшашга тўғри келса, ёки ёш мутахассислар бу олийгоҳдан ишга келсалар уларга бир олийлик иш ҳақлари миқдорида кўтарма пул берилади, бу маблағлар ҳисоби харажатлар сметасининг 01300 моддасида юритилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун китоб олиш харажатлари.

Ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун олиш мақсадида қилинадиган харажатлар турлари бюджетнинг харажатлар классификациясида кўрсатилган. Бу харажатлар сметанинг 01765 моддасида девонхона ва хўжалик харажатлари каби юритилади. Сметада сарфларни турлари йўналиши бўйича гуруҳланади.

Муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари учун харажатлари.

Илмий-тадқиқот ишлари учун илмий-тадқиқот предметларини сотиб олишга яъни лаборатория учун реактивлар, дори-дармонлар, илмий-тадқиқот ишлари учун сотиб олинган ҳайвонлар, илмий-экспедициялар, илмий сессиялар, съездлар, конференциялар, диссертацияларни ҳимоя қилиш учун илмий сафарлар харажатлари киради.

Лаборатория муаммолари учун материал ва предметлар сотиб олиш харажатлари 04100 смета моддасида юритилади.

Бу харажатлар уч гурҳ бўйича режалаштирилади:

- а) Бўлимнинг бевосита харажатлари.
- б) Илмий сафарлар харажатлари;
- в) диссертация ҳимояси харажатлари.

Илмий тадқиқод ишларини бюджет харажатлари ҳисобидан бажариладиган бўлимларида, илмий ишни бажариш бўйича бўлимга ва ҳар бир ходимга қилинадиган харажатлар режаси бўлиши керак.

Илмий экспедицияларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар алоҳида аниқланади. Илмий сафарлар билан боғлиқ, харажатлар юқори ташкилотлар томонидан шу мақсад учун сметаларда тасдиқланган харажатлар доирасида амалга оширилади. Шу билан биргаликда илмий конференцияларга ва симпозиумларга сафар харажатлари фақат расмий шахсларга ва сўзга чиқувчиларга тўланишини эътиборга олиниши лозим.

Кутубхонага китоб олиш харажатлари Молия Вазирлиги белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилади. Муассаса газета-журналларга обуна бўлиш вақтида фақат у мумий-сиёсий ва муассаса фаолиятига мос нашриётлар нашрларига қатъий чегараланган экземплярда обуна бўлишлари керак.

Инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш. Бу смета моддасида ҳаракатдаги муассасалар учун даволаш ва хўжалиқ мақсадлари учун фойдаланиладиган ва бюджет ҳисобидан сотиб олинadиган инвентар ва жиҳозлар режалаштирилади инвентар ва жиҳозларни олиб келиш билан боғлиқ харажатлар ҳам шу моддада кўрсатилади.

Янги қурилган ва ташкил қилинган муассасаларга инвентар ва жиҳозлар харажатлари шу биноларни капитал қурилиш сметалари харажатига киритилади. Инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш харажатлари ҳажми муассаса учун юқори ташкилот томонидан муассасадаги мавжуд инвентар ва жиҳозлар рўйхатини эътиборга олган ҳолда вазирлик сметасида шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан келиб чиқиб тасдиқланади.

Юмшоқ жиҳозлар ва кийим-бош сотиб олиш харажатлари.

Бу моддада ўрнатилган тартиб бўйича даволанувчиларга, врачларга, тиббий хамшираларга ва хўжалиқ ходимларига махсус кийим бошлар ва муассаса учун юмшоқ жиҳозлар (ёстиклар, кўрпалар, уларни жилдлари, сочиқлар ва хоказо) олиш харажатлари режалаштирилади.

Юмшоқ жиҳозлар харажатларини режалаштиришда эркаклар, аёллар ва болалар учун алоҳида кийим бошлар олиниши кераклигини ҳисобга олиш

лозим. Врачларга, хамшираларга ва ёрдамчи персоналга юмшоқ жиҳозлар олишда ишчи-ходимларни ўртача йиллик сонини ва бир ходимга юмшоқ, жиҳозни тўғри келадиган ўртача қийматини ҳисобга олиш лозим.

Муассаса юмшоқ жиҳозларни режалаштираётганда асосий эътиборни уларни ҳаракатдаги мавжуд миқдорига ҳамда даволаш бўлимлари бўйича хизмат қилиш муддатларига қаратиш лозим. Чунки жарроҳлик ва тўғруқхона бўлимларига нисбатан бошқа бўлимларида нисбатан бошқа бўлимларида юмшоқ жиҳозлар кўпроқ, хизмат қилиши меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Бино ва қурилмаларни капитал таъмирлаш учун ажратмалар муассасани юқори ташкилоти томонидан кўриб чиқилади. Муассасани капитал таъмирлаш учун имконият даражасида нобюджет фондлардан тушадиган маблағлардан, масалан илмий-таъқиқ ишларидан, ижара ҳисобидаи ва бошқа пуллик хизматлардан тушган маблағлардан молиявий манбаа ҳисобнда фойдаланилса. Мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқа харажатлар. Сметада 01900 моддада бошқа харажатлар учун сарфлар юритилади. Бошқа харажатларга маданий-маърифий ишлар ва жисмоний тарбия билан боғлиқ сарфлар киради.

Уларни меъёрлари ҳар бир қатнашчи учун алоҳида режалаштирилади. Агарда тиббиёт муассасалари ўртасидаги мусобақалар Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси қошидаги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ёки Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан спорт ишлари учун ажратмалар ҳисобидан амалга оширилса, у ҳолда харажатлар мусобақа жойига бориш ва келишга тўланади. Қолган харажатлар (овқатланиш, хакамларга тўлов, ётоқхона) қўмита ва вазирлик томонидан кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Тиббиёт хизматларин кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш чоғида ҳисобга олиниши мумкин бўлган унсурлар ва тамойиллар билан танишиб

ўтамин. Харажатлар унсурларини ҳисоб-китоб қилишда иккита усулдан фойдаланиш мумкин:

- 1) мураккаб усул (барча касаллик турларини бир йўла даволаш);
- 2) деталлашган усул (ҳар бир касаллик турини алоҳида даволаш).

Қурилма ва материаллардан фойдаланиш харажатлари қуйидагиларга ҳақ тўлашни ўз ичига олади:

электроэнергия;

- ❖ фойдаланиладиган материаллар;
- ❖ қурилмалар амортизацияси;
- ❖ интеллектуал активлар амортизация.

Электроэнергия учун тўловлар фойдаланилган электр қувватига қараб, 1 қловат соат учун белгиланган тариф бўйича амалга оширилади. Фойдаланиладиган материаллар уларни баҳоси ва талаб қилинадиган миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Фойдаланиладиган материаллар таркиби турлича бўлиши мумкин, улар қаторига қоғоз, химоявий реакторлар, кабеллар, дори-дармонлар ва хоказоларни киритиш мумкин. Бинолар асосий воситалар ва қурилмалар амортизацияси унинг қийматини вақт оралиғи бўйича фойдаланишга бўлиш орқали қиймат улуши аниқланади. Қўп асосий воситаларни ўз қиймат муддати бўлади яъни 8-10 йил, шунинг учун ҳам унинг баланс қийматини хизмат қилиш муддатига бўлиш орқали йиллик амортизация суммаси аниқланади. Агарда бинолар ва қурилмалар амортизацияси ҳар бир даволанувчи ҳисобига ҳисобланса, унда даволанувчилар қўпайган сари, ҳар бир даволанувчига тўғри келадиган улиш камаяди.

Интеллектуал активлар амортизацияси (муаллифлик, илмий дастурлар, махсус даволаш техникалари, қўшимча даволаш жараёнлари, даволаш бўйича услубий қўлланмалар) ҳам қурилмалар амортизацияси каби ҳисобланади. Интеллектуал активларни фойдаланиш муддати 5-7 йил қилиб

белгиланган. Интеллектуал активлар қиймати эксперт баҳоси орқали ўрнатилади.

Даволаш хоналарини сақлаш харажатлари. Даволаш ва ёрдамчи хоналарни сақлаш харажатлари бир нечта унсурларни ўз ичига олади улар жумласига: сақлаш ва тозаланиш таъминлаш, ёритиш учун электроэнергия, лементинь кўрнишни, ўрн-жой мебеллари амортизацияси ва хокази.

Шундай қилиб даволаш билан боғлиқ барча харажатлар калькуляция қуйидагича бўлади:

- Врачлар меҳнатига тўловлар.
- Даволаш билан боғлиқ ёрдамчи персоналга тўловлар.
- Хўжалик ишлари бўйича ёрдамчи персоналга тўлов.
- Меҳнатга ҳақ тўлашга устама ва қўшимчалар.

5. Курилмалардан фойдаланиш бўйича харажатлар:

-электроэнергия;

- фойдаланиладиган материаллар;

-қурилмалар амортизацияси.

- Интеллектуал мулк амортизацияси.
- Даволаш хоналарини сақлаш харажатлар».
- Мақсадли харажатлар.
- Сафар харажатлари.
- Капитал харажатлар.
- Дори-дармон харажатлари.
- Муассаса бўйича умумий харажатлар:

хамкорлик қиладиган ташкилий тузулмалар ходимларига қўшимчалар;

- иш ҳақиға ижтимоий харажатлар;

- хўжалик харажатлари;

- муассасани ривожлантириш фондига ажратмалар.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун қуйидаги харажат меъёрларидан фойдаланиш зарур:

1) меҳнатга ҳақ тўлаш учун ишловчилар тоифасига қараб бир соат учун ставкани аниқлаш;

- меҳнат шароити мураккаб ишчиларга қўшимча ҳақ тўлаш меъёри;
- иш ҳақини ҳисоблаш учун меъёрлар;
- 1 киловат соат учун тариф;
- қурилмалар гуруҳлари бўйича хизмат қилиш муддати бўйича

меъёрлар;

- даволаш хоналарини сақлаш учун 1 метрга харажатлар меъёри;
- капитал ва жорий харажатларни таққослаш;
- муассаса бўйича умумий харажатларни ва даволаш бўлимлари

жорий харажатларини таққослаш;

- озик-овкат харажатлари.

Аниқланган харажатлар суммаси бир даволанувчи учун бир йилга ўртача пуллик хизмат бўйича даволаниш учун минимал тўлов ҳисобланади. Баҳолар юқори ҳам бўлиши мумкин, қачонки аниқ бир тижорат хизмати бўйича юқори талаб бўлса.

Даволаш ишлари бўйича товар ва хизматларни сотиш бўйича шартнома тузиш.

Даволаш хизматларига қуйидагилар киради:

- ❖ шифохоналарда ётиб даволаниш (стационар);
- ❖ кундузги даволаниш (катнаб);
- ❖ тиббий кўрик;
- ❖ профилактика;
- ❖ ташхис;
- ❖ консултация;
- ❖ илмий тадқиқод хизматлари;
- ❖ дастурлаш воситалари;
- ❖ патент-лицензия хизматлари;
- ❖ экспертиза;

- ❖ дори-дармон ва боғлов воситаларини таёрлаш ва етказиб бериш;
- ❖ лаборатория хизматлари;
- ❖ ижара ва бошқа хизматлар.

3-боб. Соғлиқни сақлаш тизимида нобюджет фондлардан молиялаштириш ва такомиллаштириш масаласи.

3.1 Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлили.

Йигирма йиллар мобайнида. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳа муассасаларини сонини ошириш ҳисобига ривожланди. Бунда асосий эътибор касалхоналар ва стационарларни шу билан бирга касалхона шахобчаларини кенгайтиришга қаратилган. Бутун жаҳонда эса аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича асосий ишлар айнан шу бўғин ҳиссасига тўғри келади.

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифаларни умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятигара раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёп операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айтиқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди - кам самарали фелъдшерлик-акушерлик пунктлари ва абулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи сикрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги ниҳолтда муҳум аҳамиятга эгадир.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди – уланинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасада моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 барабар кўпайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакиллантириб борилмоқда-1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғинланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга яқка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадирларни таёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда – олий тиббий таълимининг замонавий икки босқичли тизими жорий қилинди. Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотл ҳамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принципиал янгилик ҳисобланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чоратадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини беради. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган давирда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умир кўриши -67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умир кўриши - 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умир кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хафли ҳамда юкумли касалликлар батамом тугатилди³. 3

Ҳозирги вақтга келиб тиббий муассасалар инфратузилмаси қайта кўрилмоқда. Аҳолини жойлашиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда 3100 ва ундан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи бўлинмалар (ҚВП) ташкил этишга қарор қилинди. ҚВП умумий амалёт дастури бўйича таёрланган шифокорлар билан таъминланди. Улар тиббиётнинг деярли барча асосий йўналишлари бўйича аҳолига ёрдам кўрсатишга, шунингдек тиббий кўрикдан ва барча касалликларни олдини олиш ишларини ҳам ўтказишга мўлжалланганлиги учун бўлинмаларни ташкил этишда мавжуд фельдшерлик-акушерлик пунклари ва қишлоқ тиббий амбулаторияларини ҚВП ларга айлантириш кўзда тутилган. Республика ҳукумати Жаҳон банки билан биргаликдаги лойиҳа доирасида ушбу лойиҳа қишлоқ жойларидаги соғлиқни сақлаш хизмати муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва шифокор ҳамда ҳамширалар, янги ходимларни тайёрлаш, шунингдек бошқариш, молиялаштириш тизмини функцияларини такомиллаштириш йўли билан қайта ташкил этишни кўзда тутди.

Тиббий хизматни бир қисми “Ижтимоий” товар кўринишида намоён бўлади. Мисол учун, санитария-гигена тадбирларини олайлик. Шу билан бирга, яна бир ҳолатга эътиборни қаратиш лозим.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлмоқдаки, бозор механизмларидан фойдаланиш мувофиқиятли кечиши учун бутун жараён устидан жиддий мониторинг ўрнатилиб, ҳар бир вазият объектив баҳоланиши, шунингдек, бозор иштирокчиларининг фаолияти йўналиш ҳамда чегарасини аниқ белгилаб берувчи қоида ва стандартлар ишлаб чиқиш лозим. Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлатиришнинг ҳуқуқий ҳолати ва мулкчилик шакли турлича институционал тузилмаларини ташкил қилиш ва амалий фаолиятини йўлга қўйиш модели танлаб олинган.

Ҳозир мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998йил 10-ноябрда ПҚ-2107 тасдиқланган 2000-2013 йилларга мўнжаланган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Бу концепция республика ҳудудларида турли мулкчилик шаклига асосланган тиббий муассасалар тармоғини кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни кўзда тутди. Бундан кўзланга мақсад республика аҳолисини зарурий тиббий хизмат билан таъминлаш, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш ислоҳотини ташкилий стратегик режаларни амалга оширишдан иборат.

Ушбу коцепцияга асосан соғлиқни сақлаш соҳасида она ва бола саломатлигини ҳимоялаш; юқумлик касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш; даслабки тиббий санитария ёрдами базасини мустаҳкамлаш;

атроф-муҳитни ҳимоялаш ва соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш каби йўналишлар устивор деб белгиланган.

Бугинги кунда республикамиз соғлиқни сақлаш тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги УП-2107 “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ, қилишнинг давлат дастури тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 декабрдаги эф-1396 рақамли " Она ва бола " Давлат дастурн тўғрнсидаги қарори асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

2005 йил 1 январга қадар 11 та вилоят марказларида республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази филиаллари ишга туширилди, 140 та туман ва марказий шифохоналари таркибида шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари ташкил қилинди.

Республика аҳолисига 1050 та шифохоналар, 3561 та амбулатория - поликлиникалари, 240 та қишлоқ участка шифохоналари,

Соғлиқни сақлаш Вазирлиги аҳолига янада малакали тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида АҚШ Япония, Франция, Хиндистон, Бангладеш, Германия, Исроил, Россия, КХДР давлатлари билан ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ЮСАИД, АТР, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ташкилотлари " Қизил ярим ой " жамияти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Хитой Ҳалқ Республикасидан 2000 йил октябр ойида 5,0 млн. қийматидаги тиббий асбоб-ускуналарни грант бўйича олиб келиниши, Орол бўйича муаммолари учун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан 500минг АҚШ доллори миқдорида қўшимча маблағ ажратилганлиги, 2001 йил учун Япония давлати республикада соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 204 млн. сўм миқдорида вакциналар, асбоб-ускуналар харид қилишга грант ажратилганлиги соҳани молиялаштириш бўйича қўшимча маблағлар излаб топиш йўлида олиб борилаётган ижобий ишлар деб баҳолашимиз мумкин.

3.2. Тиббиёт муассасаларини хусусийлаштирилишининг ўзига хослиги ва молиявий таъминоти

"Бозор муносабатларининг назарий томонлари шубҳасиз мулкчиликка тақалиши аниқ ва равшан".⁴ Республикада Президент И.А.Каримовнинг юқоридаги сўзлари нақадар тўғри эканлиги бугунги кунда давлатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки натижалари тасдиқламоқда.

Республикамизда бозор инфратузилмасини шакллантириш, аввало маиший турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмаларни, суғурта компанияларини қамраб олди. Давлат мол-мулкани хусусийлаштирилар экан, зарур шарт-шаройитларни ва ишончли негизни яратишни шарти этиб қўйилди. Хозирги давр иқтисодиёти шароитида чуқирлашган муаммолардан бири соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси эскирганлиги ва уларнинг мақсадига тўғри келмаслиги аниқланди.

Соғлиқни сақлашнинг давлат тизимини қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турлишакиллари вужудга келтиришда намоён бўлади. Ўз навбатида, бу ўтиш даврига хос бўлган ва тиббий хизмат кўрсатиш хажми ҳамда сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи муаммони юзага келтиради, яъни соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми қайта қўрилади. Бу ижтимоий молиялаштиришнинг камайишида, хусусий бўғинни пайдо бўлиши ва кенгайишида, тармоқни бошқариш тизимини кескин ўзгаришида намоён бўлади.

Тиббиёт соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади бўлиб, административ-бошқариш усулидан иқтисодий бошқарувга ўтиш билан республика аҳолисига юқори малакали ва сфатли тиббий хизматлар кўрсатишни иқтисодий самарали йўллари излаб топиш орқали тармоқнинг фаолиятини юқори даражага олиб чиқишдир.

Иқтисодий ислохотларнинг диққат-маркази соҳани бошқаришни ва молиялаштиришни номарказлаштириш орқали маҳаллий органлар ва муассасалар Мустақиллигини оширишга қаратилди. Бундан асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизимининг асосий бошланғич бўғини бўлган амбулатория-поликлиника тизимини молиялаштиришни кўпайтириш негизида

⁴ И.А.Каримов "Ўзбекистан иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида" Т. "Ўзбекистон", 1995 *н*, 186 б,

шифохоналарни давлат томонидан молиялаштиришни босқичма-босқич кўпайтириб боришдир.

Тиббиёт соҳасида хусусий секторни вужудга келиши аҳоли учун ўзларига мақул бўлган сифатли тиббий хизматларни танлаш имкониятига эга бўлиш билан бир қаторда, соҳада рақобат муҳитининг шаклланишига ва натижада давлат бюджетидан соҳа учун молиялаштиришни камайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида хусусийлаштириш аввало дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқаришдан бошланди. Бунинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги №132 Фармони ва Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 18 март 1994 йилдаги N107 "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги буйруғи хизмат килди. 1994 йилда республика соғлиқни сақлаш тизимида 2218 та доридармон муассасалари ва 191 та тиб техника корхоналари давлат тасарруфидан чиқазилди.

Кейинги асосий ва долзарб масала бўлиб поликлиника-амбулаториялар ва даволаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш турар эди. Лекин 80 йилга яқин давр мобайнида давлат бюджети томонидан молиялаштирилиб халқда бепул хизмат кўрсатган соҳани бирданига давлат тасарруфидан чиқариш халқ ўртасида турли норозиликлар чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш" бошқармаси бу масалани ҳар томонлама кўриб чиқди ва тиббиёт муассасаларини хусусийлаштиришни ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, тиббиёт муассасаларини бирданига эмас балки олдиндан тузланган дастурлар асосида аста-секии амалга ошириш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб топилди. Натижада 1994 йил 11-июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №354 "Давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштиришнинг минтақавий дастурлари тўғрисида" ги фармони қабул қилинди. Бу фармонга мос равишда Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 19-июл 1994 йилда №333 "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги минтақавий дастурларини амалга ошириш тўғрисида" ги буйруғи чиқди. Бу буйруқда асосан соғлиқни сақлаш тизимида хусусийлаштиришнинг бир неча, йиллик дастури ишлаб чиқилиши, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш аввало поликлиника ва амбулаториялар, хусусийлаштирилаётган объектлар фақат шу муассасада ишловчи ходимларга ёки жамоага сотилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек хусусийлаштирилаётган объект агарда 1фукорога берилса объектни ва асбоб-ускуналарни баланс қиймати бўйича, жамоа томонидан олинса баланс қийматининг 70% ҳисобида берилиши таъкидланди.

Тиббиёт муассасаларини хусусийлаштиришнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундан иборат бўлишшики бирорта объект бегона шахсларга ёки аукцион орқали сотилмайди, бундай бўлишини асосий сабаби тиббиёт муассасаларини фақат тиббий хизмат кўрсатиши лозимлиги ҳисобга олиниб ҳар хил тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан бошқа мақсадларда фойдаланишни олдини олишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш олдиндан режалаштирилиб тузилган дастурлар асосида амалга оширила бошланди.

Поликлиника-амбулатория ва даволаш муассасаларини хусусийлаштириш дастурлари ишлаб чиқилгач Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда "Соғлиқни сақлаш тизимида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги № 628 қарори, шунингдек тиббиёт соҳасида иқтисодий ислохотларни бориши ва уларни жадаллаштириш тўғрисидаги 4 декабр1995 йилдаги № 448, 27 декабрь 1996 йилдаги № 460 "Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни келгусида ривожлантириш тўғрисида"ги 20 декабрь 2005 йилдаги № 611 қарорлари қабул қилинди. Республикамизда 2005-2009 йилларда жами 1249 та нодавлат сектори ташкил

топди. Шундан 673 таси давлат тасарруфидан чиқазилди, 368 таси янги ташкил этилди ва 188 таси хўжалик ҳисобидаги иш олиб бораётган тиббиёт муассасаларидир.

1998 йилда 80 та соғлиқни сақлаш объекти давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди, улардан 64 муассаса хусусий мулк шаклига ўтказилди. 1999-2005 йиллар мобайнида эса 125 та нодавлат мулкчилиқдаги соғлиқни сақлаш объектлари ташкил этилди. Ундан 80 таси давлат тасарруфидан чиқарилди, 54 таси янги ташкил этилди, 44 тиббий муассаса хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган.

Ҳозирги кунда республикамызда жами 173597 врачлар ва хамширалар тиббиёт соҳасыда фаолият кўрсатмоқталар, уларнинг 160284 ишчиси давлат муассасаларига 13313 киши ёки жами ходимларнинг 8.3 фоиз нодавлатт секторига тўғри келади. Тиббиёт соҳасыда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат бюджет учун катта миқдорда молиявий маблағни тежаш имкониятини яратмоқда. Чунки нодавлат секторнинг барча харажатларни ўзлари топган даромадлар ҳисобига амалга оширадилар. Лекин ҳозирча хусусийлаштирилган муассасалар эгаларига 5 йил муддатга бериляпти, чунки муассасани хусусийлаштириб олган жамоа шу 5 йил ичида самарали иш олиб борсагина кейин уларга шу муассаса умрбод муддатга колдирилади.

Республикамызда ҳозирда ягона соғлиқни сақлаш тизими ҳаракат қилмоқда, бу ўзига давлат, хусусий, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган, шунингдек бошқа тиббиёт хизматларини бирлаштирган.

Бозор иқтисодиёти тиббиёт соҳасыда фаолият кўрсатаётган турли мулкчилиқ шаклидаги муассасалар ишини такомиллаштиришни, тартибга солишни, бозор муносабатларини талаблари даражасига кўтариш ва соғлиқни сақлаш соҳасыда иқтисодий ислохатларни талаб қилади, Шунинг учун ҳам Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлиги хайъати мажлиси 29 март

1996 йилда “Соғлиқни сақлаш тизимидаги иқтисодий ислоҳат, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлар қайта яқка тартибда хусусий врачлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисида” ги 3112-қарорини қабул қилди.

Республикада касалликни олдини олиш ва турли хилдаги юқумли касалликлари билан кураш олиб бориш тиббиёт соҳасига сарф қилинаётган молиявий харажатларни аниқлаш шубҳасиз статистик ва молиявий ҳисобни талаб қилади, турли мулкчилик шакллари фаолият кўрсатаётган муассасалардан бундай ҳисоботларни йиғиш шубҳасиз анча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 1995 йил 25 декабрдаги № 622 буйруғи билан турли мулк шаклидаги тиббиёт муассасалари, хўжалик ҳисобиларидаги ташкилотлар ва бошқа тиббий хизмат кўрсатувчилар статистик, молиявий, бухгалтерия ва бошқа давлат ҳисоб ва ҳисоботларини юритишга мажбурдирлар, ушбу барча ҳисоботларни нусхаларини вилоятлар Хоқимликлари Соғлиқни Сақлаш Бошқармаларига, Республика соғлиқни сақлаш бош бошқармасига ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилиши, уларни устидан умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарига юклатилди.

Шубҳасиз, нодавлат секторига фаолият кўрсатаётган тиббиёт соҳасидаги ходимлар хизмати пулга келиб тақалади. Бизнинг республикамизда тиббиёт соҳасидаги пуллик хизматлар 1989 йил 17 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги 29/92 буйруғи билан боғланди. Авало, пуллик хизматлар тиббий аппаратларга ташхислар қўйиш ва врач қабуллари соҳасидаги бошланди. Кейинчалик, амбулатория-поликлиникаларда, тиш даволаш поликлиникаларида ва санатория-профилактика ташкилотларида пуллик хизматлар кўрсатила бошланди. Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви тиббиёт соҳасида, ҳам пуллик хизматлари такомиллаштиришни талаб қилди.

Шунинг учун ҳам пуллик хизматни ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан 10 сентябр 1993 йил да № 448 29 сентябр 1993 йил да .№ 475, 24 май 1994 йилда № 232, 25 январ 1995 йилда № 25, 20 июн 1995 йилда № 280, 15 август 1995 йилда № 384, 14 август 1996 йилда № 188, ва 17 сентябр 1996 йилда № 651 буйруқлари чиқарилди. Пуллик хизматлар кўрсатиш чоғида кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматга калькуляция тузиш калькуляцияда тиббий ходимларинг малакаси, моддий-техника таъминоти даражқаси бажариладиган меҳнат учуи зарурий, моддий ва бошқа харажатлар ҳисобга олиниши лозимлиги бўйриқларда кўрсатилиб ўтилган. Нодавлат секторида пуллик хизмат кўрсатаётган барча тиббий хизматлар устидан назоратни давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармаларининг раҳбарлари томонидан олиб борилиш белгилаб қўйилди.

Республикамизда аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизматларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, (32-жадвал) пуллик хизматларнинг умумий ҳажмида давлат улуши 2005 йилга нисбатан 2009 йилда 21.1% га ортган, бунинг асосий сабаби эса республикамизда замонавий алоқа тизимининг шаклланиши, Корея ҳамда Туркия давлатлари билан ҳамкорликда бунёт этилган халқаро андозалар талабига жавоб берадиган автомобил заводларининг фаолият кўрсатаётганлигидир

Тиббиёт соҳасида эса пуллик хизматлар кўрсатишда 2009 йилга келиб республикамизнинг барча вилоятларида нодавлат секторининг ўрни ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги пуллик хизматлар кўрсатишда 2009 йилда нодавлат секторининг ўрни анча пасайди, 2008 йилда республика бўйича умумий кўрсаткичда нодавлат секторининг улуши 77.5% бўлган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 42.8% га тушиб қолган ёки 34.7% га камайган. Бунинг асосий сабаби бўлиб, 1996 йил Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунини қабул қилингунга қадар республикамизда бюджет

муассасаларида ҳам қисман пуллик хизмат кўрсатиб келинганлиги, лекин қонуннинг 8-моддасида давлат бюджети тасарруфидаги муассасалар аҳолига бепул хизмат кўрсатиши кўрсатиб ўтилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш бепул хизмат кўрсатиши кўрсатиб ўтилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш Вазирнинг 1996 йил 17 сентябрдаги №651 буйруғи билан қонун қабул қилинган кунидан бошлаб Республикада бюджет муассасаларида, аҳолига тиббий хизматлар бепул кўрсатиши қабул қилинганлигидир. Чунки пулли хизматларнинг кўп қисми бюджет муассасаларидаги тиббий ходимлар томонидан асосий иш вақтида бажарилар эди, қонун қабул қилинган бундай хизматлар фақат хўжалик ҳисобидаги тиббиёт муассасаларида, шунингдек хусусий, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган тиббиёт муассасаларида амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 16 моддасида фуқароларнинг давлат тиббий муассасаларидан ташқари қўшимча равишда тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликлари бундай тиббий хизматларни улар пуллик равишда ихтиёрий тиббий суғурта ҳисобидан, корхона ва ташкилот ҳисобидан, ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан ва қонун томонидан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Бу эса ўз навбатида пуллик хизматлар кўрсатувчи нодавлат секторини ва яқка тартибда фаолият кўрсатаётган врачлар фаолиятини ривожланиши учун шароит яратмоқда. Ҳозирда республикада фаолият кўрсатаётган 71373 врачдан 7200 дан ортиқроқ киши яқка тартибда хусусий врачлик фаолиятини кўрсатиш учун лицензия олган, лекин олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, лицензия олган врачларнинг атига 40% га яқини Солиқ Кодекси талаблари асосида фаолият кўрсатишмоқда, холос. Баъзи врачлар эса давлат тиббиёт муассасаларида асосий иш фаолиятлари даврида ёки иш вақти тугагач, барча давлат тасарруфидаги асбоб-ускуналар ва жихозлардан

фойдаланган ҳолда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Лекин, ижара ва солиқ масалалари очик қолмоқда.

Тадқиқот жараёнида 20 нафар якка тартибда врачлик фаолияти кўрсатиш учун лицензия олган врачларнинг бугунги кунда фаолият кўрсатмаётганликларининг сабаблари - замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарининг баҳолари ниҳоятда қимматлигини, ҳаракатдаги банк кредитларининг энг кам фоизи йилига 20% эканлиги, врачлар учун кредитлар олишда имтиёзлар камроқлиги, солиқ учун ойига 12 минг сўм патент тўлаш лозимлиги, бу соҳада врачларда тажрибанинг етарли эмаслиги, фаолият кўрсатишга таваккалчилик қилиш учун тўсқинлик қилмоқда.

Бу эса республика банк, солиқ ва тиббиёт тизимлари олдига хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган врачлар фаолиятини ўрганиш ва назорат қилиш орқали вужудга келаётган муаммоларни таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш учун илмий, услубий ва моддий ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шу билан бир каторда Республикамиз нодавлат тиббиёт муассасалари олдида, тиббий хизматлар учун баҳоларни аниқ, реал ҳисобланмаслиги, рақобат муҳитининг вужудга келмаганлиги, дори-дармонларнинг улгуржи савдоси тўғри йўлга қўйилмаганлиги, солиқ соҳасидаги номутаносибликлар жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиз Президенти томонидан 1998 йил 10 ноябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастури"ни қабул қилиниши, соғлиқни сақлаш тизимини босқичма-босқич пуллик хизматларга ўтиши учун имконият яратмоқда.

Дастурга асосан Наманган вилоятида 1999-2008 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган пуллик хизматларни тадқиқот қилиш орқали қуйидаги натижаларга эга бўлди.

Вилоятда 1999 йилда «Соғлиқни Сақлаш Давлат дастури» томонидан белгиланган вазифалар бажарилмаган яъни режадаги 6 фоиз ўрнига атига 4

фоизга бажарилган. 2006 йилдан бошлаб тиббиёт муассасаларида ўзини-ўзи молиялаштириш кўрсаткичи 80 фоизни ташкил этилиши режалаштирилган бўлишига қарамасдан вилоятда бу кўрсаткич 72 фоизни ташкил этган ёки дастур тула бажарилмаган.

Шунинг билан бир қаторда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар жараёнида тиббиёт муассасаларини бошқариш учун малакали молиявий менежерлар тайёрлаш ҳам кун тартибидаги муҳим долзарб масалалардан бири эканлиги маълум бўлмоқда.

Чунки асосий мутахассислиги даволаш билан боғлиқ бўлган бош ҳакимлар бугунги иқтисодий ислохотларга тайер эмас эканликларини бозор муносабатлари тасдиқламоқда.

Тадқиқотлар натижасида хусусийлаштириш ва пуллик хизматлар кўрсатиш жараёнида ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммо ва камчиликларга ҳам дуч келинмоқда. Улар жумласига:

- Давлат мулкчилиги шаклида фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларида қисман пуллик хизматлар кўрсатувчи врачларнинг асосий ва кўшимча пуллик хизмат кўрсатиш вақтлари учун керакли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқарилмаганлиги улар меҳнат самарадорлигини оширишга имконият бермаябди;

- Пуллик хизматлар кўрсатиш учун ишлаб чиқилган тарифнинг молиявий томондан асосланмаганлиги тиббий ходимлар ва аҳоли ўртасида тушунмовчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

- Якка тартибда фаолият кўрсатувчи врачларга имтиёзли кредитлар ажратилмаганлиги, етарли моддий-техника таъминотини йўлга қўйилмаганлиги ва уларни солиққа тортиш бўйича аниқликлар киритилмаганлиги уларнинг фаолият кўрсатишига катта тўсқинлик қилмоқда;

- Дори-дармонлар ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари улгуржи ва чакана бозорларини ташкил этилмаганлиги хусусийлаштирилган ва

босқичма-босқич пуллик хизматлар кўрсатишга ўтаётган тиббий шохобчаларни самарадорлиги ўта пастлигига асосий сабаб бўлмоқда;

- Ҳусусийлаштирилган тиббий муассасаларда фаолият кўрсатаётган, айниқса бош врачлар фақатгина даволаш соҳаси бўйича билимга эга бўлганликлари, замонавий менежмент ва маркетинг асосларини йўлга қўйилмаганлиги амалиётда салбий натижаларга олиб келмоқда;

- Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган врачлар фаолияти устидан тўла назорат ўрнатилмаганлиги, уларнинг хизматлари ҳажмини аниқлашда тахминий рақамлардан фойдаланиш ҳолларига олиб келмоқда;

- Ҳусусийлаштирилган ва босқичма-босқич пуллик хизмат кўрсатиш тизимига ўтаётган тиббий муассасаларда хизматлар учун олинадиган ҳақларни муассаса кассаси орқали олинмасдан, врачларга кирим ҳужжатларисиз тўланиши ислоҳотларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда ва хоказолар.

Бизнинг фикримизча, бундай нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- Давлат мулкчилиги асосида фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуна ва жихозлардан якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи врачларга ишдан бўш вақтларида фойдаланишлари учун ижарага шартнома усулида беришни жорий қилиш;

- Пуллик хизматлар учун меъёрларни ҳар бир ҳудуднинг демографик, аҳолининг ўртача даромадлари, ҳамда талаб ва таклиф асосида шакллантириш учун шароит яратиш;

- Якка тартибда фаолият кўрсатиш учун лицензия олган врачларнинг солиқ идораларида рўйхатга олишни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуш

воқеаларнинг олдини олиш ҳамда кўрсатилган пуллик хизматлар учун ҳуқуқий маълумотларни топширилишини таъминлаш;

- Босқичма-босқич пуллик хизмат кўрсатишга ўтаётган давлат тиббиёт муассасалари учун дори-дармонларни ва тиббий асбоб-ускуналарни фақат "Дори-дармон" ишлаб чиқариш бирлашмасининг вилоятлардаги бўлимларидан ва "Тибтехника" ҳиссадорлик жамиятларидан харид қилиш орқали бюджет маблағларини асоссиз сарфланишини олдини олиш;

- Тиббиёт муассасаларини бошқариш учун замонавий тиббий менежерлар тайёрлаш масаласини кўриб чиқиш ва тиббиёт олийгоҳларида тиббиёт менежери бўйича ўқув дастурини ўқув режасига киритиш;

- Якка тартибда фаолият кўрсатаётган врачларга имтиёзли кредитлар бериш масаласини кўриб чиқиш ва уларга солиқлардан имтиёзлар бериш орқали улар фаолиятини йўлга қўйиш;

- Хусусийлаштирилган ва босқичма-босқич пуллик хизматларга ўтаётган тиббиёт муассасаларида хизматлар учун тўланадиган ҳақларни фақат муассаса кассасига кирим қилинишини йўлга қўйиш, бунинг устидан солиқ назоратини ўрнатиш аниқланган ноқонуний ҳолатларни матбуот ва телевидение орқали кенг ёритиб пуллик хизматлардан тушумларнинг самарадорлигини ошириш ва ҳоказолар.

3.3. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши, бюджет тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни, солиққа тортиш жараёнини, тиббий суғуртанинг моҳияти ва аҳамиятини, шунингдек, пуллик хизматлар кўрсатишни ривожлантиришни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб республикамизнинг ҳозирги шароитига мослаштиришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда юқоридаги масалалар бўйича республикамиз олимларидан Ж.Зайналов, О.Жуманов, М.Дакимова, Э.Рахимов ва А.Ахмедовлар ўзларининг илмий хулосаларини республикамизнинг марказий журналларида чоп этишган.

Дунёдаги ҳар қандай давлатни иқтисодий жихатдан бой бўлиши, чегараларининг мустахкамлиги ва халқнинг баркамоллиги, шубҳасиз, унинг аҳолисининг саломатлиги даражасига боғлиқ бўлади. Бу эса мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини қай даражада молиялаштириш билан изоҳланади. Ҳар қайси давлатда давлат бюджетнинг харажатлар қисми давлатнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишига қараб шаклланади. Бизнинг республикамизда асосий эътибор соғлом фикрли, баркамол ва республикамизни дунёга танитадиган комил авлодни тарбиялашга қаратилганлигини республикамиз Президенти томонидан 1999 йилни “Аёллар йили“, 2000 йилни “Соғлом авлод йили” ва 2001 йилни “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилиниши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса бюджетимиздан айнан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун молиялаштиришни йилдан-йилга ошириб боришни тақозо қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омиллари қаторида алоҳида ўрин тутди. Чунки моддий ишлаб чиқариш натижаларини баҳолашни соғлиқни сақлаш фаолияти натижалари баҳоси билан тўлдириб бориш керак. Бунинг учун миллий даромад ва жамият ялпи маҳсулоти ҳисоб-китобларида соғлиқни сақлашнинг моддий харажатларини эмас, балки тармоқнинг фаолияти натижаларидан маълум бир хизмат сифатида ҳисобга олиш зарур. Соғлиқни сақлаш соҳаси янги қийматни яратиш манбаи ҳисоблансада, у буюмлар тарзида эмас, балки хизмат тури сифатида мавжуд бўлади. Тиббиёт хизмати товарнинг турли кўринишларини акс эттириб, уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этади. Бироқ у моддий ишлаб чиқаришдан фарқли улароқ ўзига хос буюм шаклида маҳсулотга айланмайди. Балки буюм шаклидаги,

махсулотни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи самарали восита бўлади. Шу маънода тиббиёт хизматини алоҳида турдаги товар дейиш мумкин. Тиббиёт хизматининг барчасини икки гуруҳга ажратиш мумкин: индивидуал истеъмол хизмати ва жамоат хизмати.

Индивидуал истеъмол хизматига маълум бир харидор томонидан сотиб олинган тиббий хизмат киради. Булар шахснинг индивидуал эҳтиёжини кондиришга қаратилган бўлади. Жамоат хизмати эса муайян чегара билан белгиланмаган, унда барча фуқаролар фойдалана олишлар мумкин. Ушбу гуруҳдаги товарлар бепул ва текин тарзда берилади.

Жамоат хизмати товарнинг катта ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, давлат уни ишлаб чиқариш ва молиялаштиришни амалга оширилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг бюджет шакли устун. Бу тиббий хизматни бир қолипга солишга, яъни унга жамат фаровонлиги сифатида қарашга олиб келади. Ҳозир соғлиқни сақлаш харажатларининг 60 фоизи бюджет ҳисобидан қопланмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш тармоғини молиялаш фақат давлат вазифаси, деб талкин қилишга олиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш соғасини молиялашга бундай муносабат унда кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бошқа қатнашчилари (корхоналар, фуқаролар) маъсулиятини сусайтирмоқда. Айтиш керакки, шу кайфият соғлиқни сақлашни молиялаштириш манбалари кенгайтирилишига сунъий тўсиқ бўлмоқда. Ҳозирги пайтда соғлиқни сақлаш соғаси жуда кенг турдаги тиббий хизматларини таъминлаш этмоқда. Тармоқнинг бундай хусусияти эса уни молиялаштириш манбаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Якка тартибда ишлайдиган шифокорлар фаолияти ёки муассаса томонидан алоҳида шаклларда кўрсатилган тиббий хизмат муайян корхоналар томонидан молия билан таъминланмоғи лозим. Жамоат фаровонлиги учун тўловни давлат ўз зиммасига олиши керак. Лекин вазифанинг мураккаблиги шундаки, жамоат ва якка хизматлар ўртасидаги чегарани белгилаб олиш мушкул. Ушбу муаммони ҳал этиш жамият сиёсий

ғоясига ва давлатнинг молиявий имкониятига боғлиқ.. Табиийки, молиявий асоси бақувват давлат жамоат фаровонлиги учун хизмат турларини кўпайтириб боради ва уларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиради.

Шундай тиббий хизмат турлари борки, улардан жамият доимо эҳтиёжманд бўлади. Бироқ ушбу турларини ишлаб чиқариш нодавлат сектори учун фойдасиз ҳисобланади. Биринчидан, уларни истеъмол қилувчилар орасида даромадлари юқори бўлганлар озчиликни ташкил этади, бундай хизматлар қиммат ҳам бўлади. Иккинчидан, хизматлар яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлмайди. У кўпчиликка тегишли бўлади. Бу эса ушбу хизматга эҳтиёжмандлари белгилаб олишни, демакки, молиялаш манбалари чегаралаб олишни қийинлаштиради. Шундай қилиб бозор иқтисоди механизми бундай турдаги тиббий хизматини ажратиб ташлайди. Уларни давлат молиялаштиришга мажбур бўлади. Чунки бундай хизматга жамоатчилик доимий эҳтиёж сезади. Тиббий хизмат кўрсатиш бўйича сарфларни қоплашда аҳолининг қатнашиши масаласига келсак, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай қатнашиш заруратдир, чунки бу фуқароларнинг ўз саломатлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга асос бўлади ва тиббий хизматни истеъмол қилиш жараёнини самарали қилади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлашнинг янада самарали тизимини жорий этиш билан боғлиқ. Тадбирларни молиялаштириш бўйича, соғлиқни сақлашни молия билан таъминлашнинг давлат ва бошқа манбалари уйғунлигини вужудга келтириш учун аниқ имкониятлар топиш ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифадир. Ушбу вазифани хал этишда, айниқса, давлат соғлиқни сақлаш тизими ва молиялаштиришнинг бошқа шаклидаги даволаш-профилактика хизмати ўртасидаги мўътадил нисбатини аниқлаб олиш муҳимдир.

ХУЛОСА

Президентимиз И.Каримов томонидан назарий асосланган, бозор иқтисодиётига ўтишнинг " Ўзбек модели " деб жаҳон миқёсида тан олинаётган- босқичма-босқич бозор муносабатларини шакллантириш жараёни ноишлаб чиқариш соҳаларини ҳам ўз қамровига олмоқда. Шу асосда мамлакатимизда тиббиёт, таълим, коммунал хўжалиги, маиший ва бошқа аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоқларини ўз ичига олган янги хизматлар бозори шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар бозорининг асосий тармоқлари - тиббиёт, таълим ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида вужудга келаётган ташкилий, ҳукуқий, иқтисодий ва молиявий муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш натижасида қуйидагилар аниқланди.

Давлатимизда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойилни ифодаловчи бозор иқтисодиётига ўтишни "Ўзбек модели" иқтисодиётнинг барча тармоқларида бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланишига назарий ва амалий асос бўлди.

1. Хусусийлаштирилган ва аралаш мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган тиббий муассасаларда ишлаётган мутахассис ва ходимларга ойлик маош ставкалари ва моддий рағбатлантириш шакллари аниқлаш ва қўллашда тўла эркинлик бериш;

2. Якка тартибда хусусий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган врачлар фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш, улар учун имтиёзли кредитларни жорий қилиш орқали уларни фаолиятини ривожлантириш;

3. Давлат тиббиёт муассасаларида тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ижара усулидан фойдаланишни ташкил этиш;

4. Тиббий муассасалар молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 11 декабрь 1998 йилдаги № 152 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларида бюджет харажатларининг иқтисодий класификацияси"ни тиббиёт муассасалари амалиётида қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган услубий қўлланмани кенг жорий этиш;

5. Тиббиёт муассасаларида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган дори-дармонларни эркин нархда сотиб олиш ва уларнинг нарх навоси тез ўзгариши билан қирим-чиқимлари ҳисоби қалқашиб қетишини қартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан маъқулланган услубий қўлланмани амалиётга кенг тадқиқ этиш;

6. Ҳизмат қўрсатиш соҳалари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири - муассасалар фаолиятларини иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишни такомиллаштириш ва уларга яқиндан амалий ёрдам бериш учун Мустақил аудит тизими хизматидан фойдаланишни ташкил этиш;

7. Тиббий муассасалар бошқарувчилари асосан фақатгина тиббий малакали бош врачлар эканликлари ва уларнинг иқтисодий ва молиявий малакалари пастиги сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича муаммоларни етарлича ҳал этиш имкониятлари йўқ. Шунинг учун тиббий Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари режаларига иқтисодий-молиявий муносабатларни шакллантирувчи қанлар ўқитилишини.

8. Тиббий муассасаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва хизмат сифатларини жаҳон андозалари даражасига қўтариш мақсадида хусусийлаштирилган қорхоналар акцияларини фонд биржалари орқали қламасини йўлга қўйиш, уларни чет эл инвесторларига сотиш ва қўлаб қўшма қорхоналар ташкил этиш;

9. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш бўйича махсус Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга оширишга киришиш;

10. Республикамизда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаётган тиббий суғурта механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;

11. Республикамизнинг тиббиёт тизимини давлат томонидан молиялаштириш ҳар қандай ҳолатда ҳам умумий молиялаштиришнинг 60% дан камайтирилмаслиги лозим;

12. Давлатимизнинг ички сиёсатининг таркибий қисми бўлган соғлом авлодни вояга етиштириш мақсадида шахсларнинг даромади даражасидан катъий назар, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар турларини аниқлаш ва ўрнатиш, шунингдек кам таминланган тоифаларга ўз соғлигини сақлашга ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратиш;

13. Мамлакатимизда яшаётган аҳолининг миллий ва тарихий урф-одатлари, удумлари асосида табиий шароитимизда ўсаётган тиббий доривор ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлашни ташкил этиш ва Шарқ табobati тизимини кенг миқёсда шакллантириш. Шу билан бирга жаҳон тажрибасида синалган Европа, Америка, Шарқ ва Хитой тиббиёти услублари асосида янги " Ўзбек тиббиёти модели " ни яратиш кун тартибида турибди.

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифаларни умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятигара раҳбарлик қилиш ва

мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёп операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айтиқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди - кам самарали фелдшерлик-акушерлик пунктлари ва абулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи сикрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги ниҳолтда муҳум аҳамиятга эгадир.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди – уланинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасада моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 барабар кўпайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакиллантириб борилмоқда-1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғинланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ

жисмоний шахсларга якка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадирларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда – олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий қилинди. Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотл хамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принципиал янгилик ҳисобланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чоратадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини беради. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган давирда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умир кўриши -67 ёшдан 72,5 ёшгача , шу жумладан, эркакларнинг ўртача умир кўриши - 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умир кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хафли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р :

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2009 йил. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь Қонуни. Солиқлар ва божхона хабарлари, 2001 йил 2-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июнь Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат, 2000.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, №12, 2000.
8. “2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогнози

тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-532-сонли Қарори, 18 декабрь, 2006 йил.

9. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида
»Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»2011 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 апрелдаги ПҚ-1522-сон қарори.

11. «Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини таёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги 71-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикасининг « Фуқоролар соғлиғини сақлаш тўғрисида »ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-118-сон Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида » 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

14. Давлат молияси тизими. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 368 бет.

15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008 й.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори. –Т.: 2001й
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54-қарори. –Т.: 1999 й.
20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2002 й.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида » 2007 йил 19 сентябирдаги ПФ-3923-сон Фармони.
22. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг минтақавий дастурлари тўғрисидаги Президент Фармони 1994.11.07.
23. Ўзбекистон Республикаси дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Президент Фармони 1994.03.

24. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори 1994.20.12.

25. Соғлиқни Сақлаш тўғрисидаги иқтисодий ислоҳот, давлат тасарруфидан чиқариш, Хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлар ҳамда яқка тартибда Хусусий врачлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қарори 1996.29.03

26. «Тиббиёт техникасидан фойдаланиш, монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда» меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 октябрдаги 177-Б-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2177).*

27. «Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 203-Б-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180).*

28. Республикада дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш турлари ва ҳажмини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори 1999.21.12.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

29. Мамлакатимизда демократив ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси Т. Халқ сўзи газетаси 2010й. 13 ноябр

30. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тарақиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т. Халқ сўзи газетаси 2011й. 22 январь16-сон

31. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

32. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 б.

33. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси 2009 йил 14 февраль, № 33-34 (4696-4697)

34. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 267 б.

35. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

36. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Дарсликлар

37. Абдуллаев Ё.А., Сирожиддинова З.Х., Усипбоев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2001.
38. Бабич А., Павлова Л. Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов. – М.: Финанс : ЮНИТИ, 1999.
39. Бабич А., Павлова Л. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. - М.: Финансы : ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
40. Гофуров Ш. Хусусийлаштириш босқичлари Иқтисод ва ҳисобот №11-12 1993й. 34-37б.
41. Хакимова М. Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси № 2 1998й. 64-67б.
42. Хўжаханов Х. Махмудхужаева З. Тиббиётда ракобат муҳити Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси № 7-8 1999й.
43. Зокиров А. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари. Иқтисод ва ҳисобот №2 1993й 58-59
44. Ўлмасов А. Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т: Мехнат 1995й.528б.

Статистика тўпламлари маълумотлари

45. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали. –Т.: 2008-2010 йиллар.
46. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2008-2010 йиллар.
47. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2007-2009 йиллар.
48. «Солиқ ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2007-2009 йиллар.
49. Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

50. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008-2010 йиллар учун ҳисоботлари.

51. Наманган Вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2008-2011 йиллар учун ҳисоботлари.

Интернет сайтлари

52. Учебные материалы по Бухгалтерскому учету. On-line
<http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm>

53. <http://www.imce.ru>

54. “Norma” 2010.

55. www.minfin.ru

56. www.budget.ru <http://>

57 www.mfer.uz

58 www.ce.uz

59 www.darvoza.uz/

60 www.businessvoc.ru

Аннотация

Республика аҳолисининг турмуш даражаси юксалиши, уни юқори даражадаги маданиятли хизматлар билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ечилиши лозим бўлган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардаи биридир.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ичида соғлиқни сақлаш тизими давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки аҳоли саломатлиги ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг асосидир. Ижтимоий тараққиётнинг бош мезони ва омили ҳам инсон, пировард мақсади ҳам инсон. Зиддиятли масалаларни ҳал қилиш доимо мушкул. Ижтимоий соҳани, биринчи галда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари, айниқса, қийин кечади.

Сўнгги 20 йил ичида мазкур муаммо кўплаб давлатлар учун энг долзарб масаладир. Бир томондан, халқ саломатлиги билан боғлиқ вазиятни жиддий равишда марказлаштирилган давлат назоратига олиш, иккинчи томонидан, ислоҳот жараёниларида кенг омманинг иштирокини таъминлаш зарур.